Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

7 декабрь 1972 йил, пайшанба ◆ № 286 (15.457). ◆Баҳоси 2 тийин.

1973 ЙИЛ МЎЛ ҲОСИЛИ УЧУН

Бу йил тарихий байрам — СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги арафасида Краснодар ўлкасининг ғаллакорлари барча қишлоқ меҳнатчиларига мурожаат қилиб, уларни келгуси йилда мўл ҳосил олиш учун жанговар социалистик мусобақани авж олдиришга, КПСС XXIV съезди тарихий қарорларининг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшишга чақирдилар.

«Ҳозирги кунда бизнинг бутун фикри-зикримиз ва ишларимиз, —дейилади уларнинг мажбуриятларида, — бу йил далалар ва фермаларимизда тўла миқдорда олинмай қолган маҳсулот ўрнини 1973 йилда энг кўп миқдорда тўлдиришга қаратилмоқда». Ўлка деҳқонлари ўрта ҳисобда 36 центнердан дон, кузги буғдойдан эса 38 центнердан дон, 50 центнерга етказиб шоли оламиз деб, Ватанга сўз бердилар. Етиштирилаётган доннинг ялпи ҳосилини саккиз ярим миллион тоннага етазишда, энг серҳосил йил бўлган 1970 йилдагига нисбатан 625 минг тонна кўпайтиришга қарор қилинди. Давлатга камида тўрт миллион тонна ғалла сотилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети краснодарликларнинг ташаббусини маъқуллаб, «1973 йилда дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда тайёрлашни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. «Правда»да эълон қилинган шу қарорда партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг вазифалари, ғаллакорлар мусобақасининг шартлари ҳамда энг юқори натижаларга эришган илғорларни рағбатлантириш чоралари белгилаб берилди. Голиблар учун Қизил байроқлар ва пул мукофотлари, Фахрий ёрлиқлар ва вимпеллар таъсис этилди. Бутуниттифоқ мусобақасида жонбозлик билан ишлаган, мўл ҳосил етиштиришда, планларни ва ўз мажбуриятларини бажаришда шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатган қишлоқ хўжалик ходимлари Совет Иттифоқининг орденлари ва медаллари билан мукофотланадилар.

Қарорда айтиб ўтилганидек, «Ҳар бир колхоз, совхоз, район, округ, область, ўлка, республиканинг барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш халқ хўжалиқ планларини, социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришда, энг яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришишлари учун кураш социалистик мусобақада асосий вазифа бўлиши лозим».

Мусобақа самарали бўлмоғи учун ўзаро текширишларни мунтазам ўтказиб туриш, мусобақа натижаларини якунлаб бориш, бу натижаларнинг ҳаммага эълон қилинишини таъминлаш керак.

Шу кунларда деҳқонлар, қишлоқ коммунистлари, барча қишлоқ меҳнатчилари ўз ишларининг якунларини анализ қилмоқдалар, беш йиллик учинчи йилининг марраларини мўлжаллаб қўймоқдалар. Ҳамма жойда партия-хўжалик активларининг йиғилишлари, партия комитетларининг пленумлари ўтказилмоқда. Кўкламги экишга тайёргарликнинг, чорва қишловини ўтказишнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишнинг конкрет масалалари муҳокама қилинмоқда. Гап асосан келгуси йилда халқ хўжалик планини муваффақиятли бажаришга, бу йил етарли миқдорда олинмай қолган маҳсулот ўрнини тўлдиришга имкон берадиган чораларни амалга ошириш тўғрисида бораётир.

Кўкламга тайёргарлик кўпгина ташкилий ва технологик масалаларни ўз ичига олади, ишлаб чиқаришни планлаштириш, тегишли навлар ва экинларни танлаб олиш, техникани ремонт қилиб қўйиш, ўғитларни тайёрлаш ва ташиб олиш, кадрларни қишда ўқитиш.— Буларнинг ҳаммаси кечиктириб бўлмайдиган ишлардир. Бу ишларнинг ҳар бири эса, иқтисодий жиҳатдан асосланиб ҳисоб-китоб юритишни, ижодий йўл тутишни талаб қилади. Иш методлари хилма-хил бўлса ҳам аммо мақсад битта; у ҳам бўлса, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, халқ хўжалик планини ва социалистик мажбуриятларни бажариш, давлат интизомига кескин равишда риоя қилишдан иборатдир. Деҳқонларнинг энг биринчи вазифаси шуки, улар Ватаннинг буюртмасини тўлатўкис бажаришлари, топширикдан ташқари кўпроқ маҳсулот сотишлари керак. Кўкламги экишга тайёргарлик кўрилаётганда ҳам мана шунга асосланиб иш тутиш керак.

Қишлоқларимизда мутахассислар ва ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг ажойиб кадрлари ўсиб етишган. Улар бригадаларга ва фермаларга раҳбарлик қилмоқдалар, экономиканинг бутун-бутун тармоқларига бош бўлиб турибдилар. Улар қишлоқда фан-техника тараққиёти учун курашда етакчи роль ўйнамоқдалар. Партия ташкилотлари мутахассисларнинг ишидаги энг яхши намуналарни ўз вақтида пайқаб олиб, актив равишда қўллаб-қувватлашлари, уларнинг тажрибаларини қунт билан пропаганда қилишлари, кейинда қолаётган участкаларни қолоклиқдан чиқаришлари лозим.

Новосибирск областидаги Сузун район партия комитетининг иши ибрат олишга арзийди. Бу район партия комитети бир-бирига қўшни бўлган икки колхознинг — Ленин номли колхоз билан «Пламя» колхозининг ишини ўрганиб чиқди. Бу колхозларда ҳамма нарса — ер, техника бир хил, ҳатто уруғлик навлари ҳам бир хил. Лекин ҳар йил гектар бошига олинаётган ғалла биринчи колхозда «Пламя» колхозидагига нисбатан 4-5 центнер кўп. Бунинг сабаби нимада? Қилинган анализ шуни кўрсатдики, Ленин номли колхоздагилар конкрет вазиятни ҳисобга олиб, ижодий ишламоқдалар, «Пламя» колхозидагилар эса кўпдан бери одат бўлиб қолган намуна асосида, бошқача қилиб айтганда, бир қолипда ишлаб келмоқдалар. Ленин номли колхозда район партия комитети ўтказган иқтисодий конференцияда районнинг барча мутахассислари учун яққол ва ибратли сабоқ берилди.

Бироқ, бундай конференциялар ҳамиша ҳам муваффақиятли ўтказилаётгани йўқ. Баъзан бундай конференциялар расмий равишдагина ўтказилмоқда. Илғор хўжаликларга ёхуд тажриба станцияларига бориш кўнгил очар сайилга айланиб кетмоқда. Илғорлар тажрибасини ёйишдаги жиддий камчиликлар натижасида бир қанча районларда прогрессив методлар ва меҳнат усуллари айни бир хўжаликнинг, бригаданинг, звенонинг доирасидан четга чиқмай қолиб кетмоқда. Партия ташкилотлари ер органларининг раҳбарлари бу муҳим ишга биринчи даражада эътибор беришлари зарур.

Ҳозирги вақтда матбуот, радио ва телевидение зиммасида катта вазифалар турибди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси қандай бораётганлигини кун сайин ёритиб туриш, энг яхши меҳнат намуналарини қунт билан пропаганда қилиш уларнинг бевосита вазифасидир. Иқтисодий фанимиз ва илғор практикамизнинг тўпланган тажрибалари жуда кўп, буларни кенг ишлаб чиқаришга активроқ жорий қилиш керак.

Беш йиллиқнинг учинчи йилини ўлкан ғалла хирмони билан нишонлашга азми қарор қилган Краснодар ўлкаси ғаллакорларининг ватанпарварлик ташаббусини қишлоқ хўжалик меҳнатчилари қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарори деҳқонларнинг ижодий активлигини тағин ҳам кўпроқ юксалтиради. Қишлоқда социалистик мусобақа янги куч билан авж олаверсин. Мўл ҳосил учун тайёргарлик қиш фаслида ҳам бирор кун тўхтамасин!

(«ПРАВДА»нинг 6 декабрдаги бош мақоласи).

СССР 50

✦ СИРДАРЁ ГРЭСи ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ КАТТА ШИЖОАТИ

✦ ЧОРВАДОРЛАР БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИГА ҚУШИЛМОҚДАЛАР

✦ ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА ЯНГИ ЗАФАРЛАР

Улкан Сирдарё нурхонасининг биринчи навбати ишга туширилиш арафасида турибди. Қурилиш объектида меҳнат ҳар қачонгидан авжида. Кунлик ишчи чизмаларини тайёрлаб берувчи лойиҳачилардан тортиб қурувчи-монтажчиларгача — барча кунларни-тунларга улаб ишлаяпти.

Биринчи энергия блокининг ишга тушишига атиги саккиз кунча вақт қолди. Шижоат намунасини кўрсатиб ишлаётган катта қурувчилар коллективи ҳар куни бир зафарни қўлга киритишга муваффақ бўлишаётир. Барча насос станциялари, генераторларга ҳароратни юқори босим билан узатувчи насослар, вакуум системалари, буғ қозонининг «А» ва «Б» корпусларидаги ускуналар, комплекс тақсимлаш қурилмаси, станциялар бўйича тақсимлаш очиқ тақсимлаш қурилмалари, насос блоклари станцияси, озиқлантирувчи насослар бўйича монтажлаш ишлари поёнига етказилди.

ГРЭС қурилишида бўлган фотомухбиримиз А. Тўраев фидокор қурувчиларнинг бир нечтасини суратга олиб қайтди. Суратларда: (юқоридан пастга) 1. Пешқадам монтажчи Арслон Амиров; 2. Трансформаторларни муддатидан илгари монтаждан чиқараётган илғор бригадир П. Забородин ва мастер В. Шербаков ўртоқлар.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Финляндия Республикасининг миллий байрами — мустақиллик куни муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин Финляндия Республикаси Президенти Урхо Кекконенга табрик телеграммалари йўлладилар.

Фин халқи учун ғоят аҳамиятли бўлган мана шу кунда, дейилади Л. И. Брежневнинг телеграммасида, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилги шартнома асосида Совет — Финляндия ҳамкорлиги ҳар томонлама яхши ривожланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилиб ўтиш мумкин.

Совет Иттифоқи ва Финляндия халқлари ўртасидаги дўстликка Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин раҳнамо бўлган эди; бу дўстлик совет ва фин халқларининг бахт-саодати йўлида, Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб бундан буён ҳам мустаҳкамлана ва ривожланаверади, деб кутиш учун ҳамма асослар бор.

Финляндия учун тантанали бўлган мана шу кунда, дейилади Н. В. Подгорнийнинг телеграммасида, Совет — Финляндия яхши қўшничилик муносабатлари турмушнинг ҳамма соҳаларида муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини яна бир марта қайд қилиб ўтиш ҳамда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилги шартномага асосланаётган бу муносабатлар турли социал системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ленинча принцип амалда рўёбга чиқарилаётганлигини бундан буён ҳам кўрсатиб турувчи яққол намуна бўлади, деб ишонч билдириш бизни хушнуд қилади.

Совет Иттифоқи ва Финляндия халқлари, дейилади А. Н. Косигиннинг телеграммасида, яхши қўшнилар сингари яшаб, барқарор бўлиб қолган ва 1948 йилги Совет — Финляндия шартномасининг мустаҳкам негизида муттасил такомиллашиб бораётган дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни муваффақиятли ривожлантирмоқдалар. СССР ва Финляндия халқлари, ҳукуматлари ҳар иккала мамлакат манфаатларини кўзлаб, ялпи тинчликнинг равнақи йўлида бу ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлайверадилар, деб ишонч билдираман. (ТАСС).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

ЧИЛИ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Чили Республикасининг Президенти Сальвадор Альенде Госсенс расмий визит билан 6 декабрда Москвага келди.

Чили Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида С. Альендени ва унинг рафиқасини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Кутиб олувчилар орасида Чили Коммунистик партиясининг бош секретари Луис Корвалан ҳам бор эди.

Қуролли Кучларнинг уч тури— пиёдалар, учувчилар ва денгизчилардан иборат фахрий қоровул учиш майдонида саф тортиб турди, иккала мамлакатнинг давлат гимнлари ижро этилди.

С. Альенде ва Н. В. Подгорний совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар. Аэродромда олий меҳмонни Москва меҳнаткашларининг вакиллари табриклаб турди.

С. Альенде ва у билан бирга келган расмий кишилар Кремлда ўзлари учун ажратиб қўйилган резиденцияга табрик транспарантлари ҳамда Чили Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган пойтахт магистраллари орқали йўл олдилар. Кўчаларда тўпланган москваликлар Чили Республикаси Президентини қизғин табриклаб турдилар.

Ж. ПОМПИДУНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

Франция Республикасининг Президенти Ж. Помпиду Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев билан учрашиб, суҳбатлашмоқ учун 1973 йил 11-12 январда қисқа муддатли ғайри расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарори

1973 ЙИЛДА ДОН ВА БОШҚА ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ ҲАМДА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети қарор қабул қиладилар:

1. Дон ва бошқа барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини етиштиришни ҳамда тайёрлашни анча кўпайтириш мажбуриятларини олиб, 1973 йилда деҳқончиликда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқ учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ташкил этишга даъват қилган Краснодар ўлкасидаги колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, мутахассислар ва барча қишлоқ хўжалик ходимларининг ташаббуси маъқуллансин.

Иттифоқдош республикалар Коммунистик партияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари, Иттифоқдош ва Автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, округ ва район Советларининг ижроия комитетлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнаткашлар фаровонлигини янада ошириш борасида КПСС XXIV съезди қарорида қўйилган вазифаларни ҳал этишда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга катта аҳамият бериб ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, деҳқончилик маданиятини ошириш, ерларни химиялаштириш ва мелиорация қилиш, техникадан яхшироқ фойдаланиш, фан муваффақиятларини ва илғорларнинг тажрибаларини ҳамма жойда жорий қилиш, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришнинг бошқа барча резервларини сафарбар этиш асосида дон, картошка, сабзавот, пахта, қанд лавлаги, мойли экинлар, озуқа экинлари ва бошқа барча экинлардан 1973 йилда мўл ҳосил олиш ва ялпи ҳосилни кўпайтириш учун сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб боришлари, ҳар бир колхоз, совхоз, бригада, звенода, барча қишлоқ меҳнатчилари орасида жанговар социалистик мусобақани авж олдириб юборишлари зарур.

Ҳар бир колхоз, совхоз, район, округ, область, ўлка, республиканинг барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш халқ хўжалик планларини, социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришлари, энг яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришишлари учун кураш социалистик мусобақала асосий вазифа бўлиши лозим.

Фақат коллективлар доирасидагина эмас, шу билан бирга звенолар, бригадалар, хўжаликлар, районлар, областлар, республикалар ўртасида ҳам социалистик мусобақани авж олдириб юбориш зарур. Ўзаро текширишлар мунтазам равишда ўтказиб турилсин, натижаларнинг ҳаммага эълон қилиниши ва таққосланиб кўрсатилиши таъминлансин.

Белгилаб қўйилгани, дон ва бошқа барча экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, шу экинлар ҳосилини етиштириб давлатга сотиш, шунингдек чорвачиликни ем-хашак билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг таннархини пасайтириш, халқ хўжалик планларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда энг юқори кўрсаткичларга эришган республикалар, ўлкалар, областлар, миллий округлар, районлар, колхозлар, совхозлар, бўлимлар, бригадалар ва звенолар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиш деб ҳисобланадилар.

2. Деҳқончиликда энг юқори натижаларга эришиш йўлида бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанларни мукофотламоқ учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 350 та Қизил байроғи таъсис этилсин. Шулардан:

— иттифоқдош республикаларни мукофотламоқ учун 7 та Қизил байроқ; 50 минг сўмдан 150 минг сўмгача пул мукофоти;

— Автоном республикалар, ўлкалар ва областларни мукофотламоқ учун 43 та Қизил байроқ; 25 минг сўмдан 75 минг сўмгача пул мукофоти;

— районлар ва миллий округларни мукофотламоқ учун 300 та Қизил байроқ; 5 минг сўмдан 15 минг сўмгача пул мукофоти.

3. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликларини мукофотлаш учун СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи Марказий Комитетининг 3 минг та Қизил байроғи ҳамда СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги билан Озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг 60 та Қизил байроғи таъсис этилсин, Қизил байроқлар билан мукофотланган хўжаликлар шу билан бир вақтда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги белгилаб берган шартлар асосида мукофотлар (автобуслар, санитария машиналари ва бошқа автомашиналар) оладилар.

4. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан звеноларни, бригадаларни, колхозларнинг ва совхозларнинг бўлимларини мукофотлаш учун СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғини ҳамда СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги билан Озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи таъсис этиш тўғрисидаги таклиф маъқуллансин.

Фахрий ёрлиқ қишлоқ хўжалик органларининг ва Озиқ-овқат саноати министрлиги маҳаллий органларининг, Иттифоқдош ва Автоном республикалар, ўлкалар ва областлар касаба союзлари комитетларининг қарорига биноан СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи Марказий Комитети ҳамда Озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитети номидан топширилади.

5. Энг яхши кўрсаткичларга эришган комсомол-ёшлар коллективларини мукофотлаш учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг 6 минг та вимпели таъсис этилсин.

Вимпеллар иттифоқдош республикалар комсомол Марказий Комитетининг, ўлка ва область комсомол комитетининг қарорига биноан ВЛКСМ Марказий Комитети номидан топширилади.

6. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида республика, ўлка, областда энг яхши кўрсаткичларга эришган звеноларга, бригадаларга, бўлимларнинг коллективларига, деҳқончилик илғорлари учун маънавий рағбатлантиришнинг, шунингдек республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантиришнинг конкрет тадбирларини белгилаб бериш Иттифоқдош республикалар Коммунистик партияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, Иттифоқдош ва Автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, область (ўлка) ижроия комитетларига, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органларига топширилсин.

7. Қишлоқ хўжалик йили охирига етиб, ҳосилни ўриб-йиғиш ва тайёрлаш тугалланиши билан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг натижалари якунлансин.

8. Иттифоқдош республикалар Коммунистик партияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига, Иттифоқдош ва Автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига, касаба союз, комсомол органларига Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг яхши натижаларга эришган ҳамда мўл ҳосил етиштиришда, 1973 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатган деҳқончилик ходимларини, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида қабул қилиб олишни, ташиб беришни ва қайта ишлашни таъминлаган транспорт ва тайёрлаш ташкилотлари ходимларини СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлашга тақдим этишларига рухсат берилсин.

9. Иттифоқдош республикалар Коммунистик партияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетлари, марказий ва маҳаллий газеталар ҳамда журналларнинг редакциялари, телевидение ва радиоэшиттириш редакциялари зиммасига дала меҳнатчиларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси қандай бораётганлигини кенг ёритиб туриш, илғорлар тажрибасини ёйиш ва пропаганда қилиш вазифаси юклатилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети — колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар, мутахассислар, қишлоқ ёшлари — барча қишлоқ хўжалик ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшиладилар ва 1973 йилда дон ва бошқа барча экинлар ҳосилини оширишда ва шу экинларнинг ялпи ҳосилини кўпайтиришда, чорвачиликни ем-хашак билан таъминлашда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш халқ хўжалик планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда катта муваффақиятларга эришадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

БУХОРО ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Бухоро области қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнат ғалабасига эришдилар—5 декабрда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажардилар. Ватан 440 минг тоннадан зиёд, давлат планида белгиланганидан 40 минг тонна кўп «оқ олтин» олди.

Пахтакорларнинг муваффақияти ғоятда ноқулай об-ҳаво шароитларига қарши машаққатли курашда қўлга киритилди. Колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнатлари туфайли об-ҳаво қийинчиликлари енгиб ўтилди.

Қорақўл, Ғиждувон, Шофиркон, Ромитан, Бухоро, Вобкент районларининг пахтакорлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Гектар бошига 35-40 центнердан пахта олиш ҳаракатининг ташаббусчилари бўлмиш Шофиркон районидаги Карл Маркс номли, Қорақўл районидаги «Октябрь», Ғиждувон районидаги «Гулистон», Бухоро районидаги «Ленин йўли», Свердлов районидаги Киров номли, Вобкент районидаги «Зарафшон», Қизилтепа районидаги «Москва» колхозларининг коллективлари яхши меҳнат қилдилар.

Машиналарда 136 минг тонна пахта терган механизаторлар зафарга катта ҳисса қўшдилар. Илғор механик-ҳайдовчилардан К. Муҳамедов, Д. Бешимов, Т. Тангриев, Т. Бобоназаров, С. Ҳамроева, А. Оллаева, Ҳ. Отақулов ва бошқа кўп кишилар «зангори кема» бункерларидан 220-350 тоннадан «оқ олтин»ни тўкдилар.

Область деҳқонларининг меҳнат зафари мамлакат пахтакор республикалари партия-хўжалик активи йиғилишининг резолюциясига, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги отаграча ғамхўрлиги ва доимий ёрдамига жавобдир. Партия, совет касаба союз, комсомол ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг мохирона ташкилий ва сиёсий иши катта аҳамиятга эга бўлди.

Бухоро, Навоий, Зарафшон, Когон, Ғиждувон шаҳарларининг меҳнаткашлари, Учқудуқ, Газли, Қоравулбозор посёлкалари, район марказларининг аҳолиси, студентлар ва ўқувчилар ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқини мустаҳкамлаб катта хирмон кўтариш учун олиб борилаётган курашнинг долзарб дамларида қишлоқка ёрдамга келдилар ва етиштирилган ҳосилни териб олишда ғоят актив қатнашдилар.

Область қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари партия ва ҳукумат ғамхўрлигига жавобан қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли тугаллаш учун ҳамма куч-ғайратларини сарфлайдилар, кузги-қишки тадбирлар комплексини юксак агротехника даражасида ўтказадилар, келаси йили қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун пахта замин яратадилар. Чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказадилар.

СССРНИНГ «ОЛТИН ЮБИЛЕЙИ»ГА БАҒИШЛАНАДИ

НАМАНГАН, 6 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун Наманган Маданият саройида Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитети билан меҳнаткашлар депутатлари область Советининг СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Область партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев Совет Социалистик Республикалари Бузилмас Иттифоқининг шонли 50 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Наманганликлар шонли юбилейни кутиб олишга тайёрланиб ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Область пахтачилигининг бутун тарихида «оқ олтиндан мисли кўрилмаган ҳосил олинди: давлатга 421 минг тонна—давлат планида белгиланганидан 73 минг тонна кўп пахта топширилди. Саноат корхоналарининг коллективлари 11 ойлик программани муваффақиятли бажардилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига баланд руҳ билан мактуб қабул қилдилар.

Партия турмуши: ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарлик

КУЧЛАРИМИЗ КЎРИГИ

Г. ОРЛОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири

ЎЗБЕКИСТОН партия ташкилотлари партия ҳужжатларини алмаштиришга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини бажараётган партия ташкилотлари бу муҳим ташкилий-сиёсий тадбирни партия ички ҳаётини янада активлаштириш, партиявий раҳбарлик методларини такомиллаштириш, омма орасида олиб бориладиган гоявий-тарбиявий ва ташкилий иш савиясини кўтармоқ учун ҳар то монлама фойдаланмоқдалар.

Марказий Комитет Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бу масала принципиал сиёсий характерга эга бўлиб, партиянинг ўз сафларини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятининг энг муҳим томонини ўз ичига олишини уқтирди. Партия ҳужжатларининг алмаштирилиши кучларимизнинг ўзига хос кўриги, ҳар бир партия ташкилоти КПСС XXIV съезди қарорларини қандай амалга ошираётганлигининг қаттиқ ва талабчан текшируви бўлади, дейиш мумкин.

Май Пленумининг якунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленумида, область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида муҳокама қилинди. Шундан кейин бошланғич партия ташкилотларида ҳам йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказишга алоҳида аҳамият берилди. Республикамизда йиғилишларни барвақт тузиб қўйилган планлар негизида, коммунистларнинг актив иштирокида ўтказиш борасида яхши тажриба орттирилган. Бошланғич ташкилотларда мазкур масалага бағишлаб ўтказилган йиғилишларда ушбу тажриба қўл келди. Ҳамма йиғилишларда юқори партия комитетларининг вакиллари, кўпчилигида эса область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари иштирок этдилар. Йиғилишларнинг ўтиши партия комитетларининг бюро мажлисларида муҳокама қилинди. Бошланғич ташкилотлардаги йиғилишлар етарли тайёргарлик кўрилмасдан ёки коммунистларнинг актив иштирокисиз ўтказилган бўлса, район ва шаҳар партия комитетлари бу йиғилишларни бекор қилиб уларни қайтадан ўтказишдек қатиқ чораларни ҳам айрим ҳолларда қўлландилар. Буларнинг ҳаммаси партия ҳужжатларини алмаштириш муносабати билан келиб чиқаётган вазифаларни синчковлик билан муҳокама қилишга имкон берди. Йиғилишларда партия аъзоларининг ҳар ўнтасидан тўққизтаси қатнашди. Йиғилишларда бирон-бир сабаб билан қатнаша олмаган коммунистларни партия ташкилоти муайян материаллар билан якка тартибда таништирди. Эндиликда бу иш ниҳоясига етай деб қолди. Партия ташкилотлари ҳар бир коммунистни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми материаллари билан таништиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини муҳокама қилиш партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, беш йиллик вазифаларини бажаришда уларнинг ролини ошириш, коммунистларнинг активлигини ошириш борасидаги катта ишнинг бошланиши бўлди. Шу мақсадда партия комитетлари ва партия ташкилотлари конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб уни тасдиқладилар.

ЭНДИЛИКДА бошланғич партия ташкилотларида партия интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлигини ошириш, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини кўтариш каби масалалар бот-бот муҳокама қилинадиган бўлиб қолди. Партия комитетлари бюроларининг мажлисларида партия ташкилотларининг ҳужжатларни алмаштиришга қандай тайёргарлик кўраётганлиги мунтазам муҳокама қилинмоқда. Масалан, Фарғона область партия комитети шу масала юзасидан Фарғона район комитети ва Маргилон шаҳар комитетининг ҳисоботини тинглади, шу областдаги еттита шаҳар ва район партия комитетлари эса шу муҳим иш юзасидан бир қанча партия ташкилотларининг ҳисоботини тингладилар. Бухоро областидаги шаҳар ва район партия комитетларида 40 та бошланғич партия ташкилотининг ҳисоботи тингланди. Бир қанча партия ташкилотларининг иши шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида қараб чиқилди. Ленин ва Учқўрғон район партия комитетларининг ҳамда Термиз шаҳар партия комитетининг шу масала хусусидаги иши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретариатида муҳокама қилинди.

Область партия ташкилотлари ташаббус кўрсатиб, ижодий изланиб иш юритмоқдалар. Андижон область партия комитети цех партия ташкилотларининг фаолиятига алоҳида диққат-эътибор билан қараб, уларнинг ишлаб чиқаришга таъсирини яна ҳам кучайтиришга, омма орасида олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ишнинг яна ҳам яхшиланишига эришмоқда. Бригада ва бўлим партия ташкилотлари ролининг ортиши туфайли йиғим-терим мавсуми қўнғилдагидек ўтди, саноат ва қурилишлардаги цех партия ташкилотларининг жанговарлиги яна ҳам кўтарилганлиги беш йиллик иккинчи йили ўн бир ойлик планларининг муддатидан илгари бажарилишида катта омил бўлди. Партия ички ишининг яхшиланганлигидан шу нарса ҳам далолат берадики, ҳамма цех ташкилотларида йиғилишлар мунтазам, коммунистларнинг актив иштирокида ўтмоқда. Область партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлар партия бюролари ишини яхши ташкил этиш ҳақида ҳамиша гамхўрлик қиладилар. Ҳозир область партия ташкилотларида партия комитети ва партия бюроси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаб олиш иши ўрганилмоқда, бу ишни яна ҳам такомиллаштириш тадбирлари кўриляпти.

Партиявий ишнинг самарасини муттасил ошириб бормоқ учун Сирдарё области партия ташкилотида ҳам кўп иш қилинмоқда. Ишлаб чиқаришда иш юритаётган партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини қандай амалга ошираётганлигини область партия комитети диққат билан ўрганмоқда ва умумлаштириб боряпти. Идоралар ва муассасалар партия ташкилотлари аппарат ишини қандай назорат қилаётганлиги ҳам обкомнинг диққат марказида турибди. Партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказишни яхшилаш мақсадида ҳар ойда йиғилиш протоколларига обзорлар ёзилмоқда, партия қарорларининг бажарилиши назорат қилиб бориляпти. Иш услубини яна ҳам такомиллаштиришда партия ташкилотларига методик кенгашлар ҳамда ташкилий-партиявий иш кабинетлари катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бундай мисоллари кўплаб келтириш мумкин бўлур эди. Лекин бўлак фактлар ҳақида ҳам гапириб ўтишга тўғри келади. Ана шу муҳим ташкилий-сиёсий иш хусусида ўттиздан ортиқ шаҳар ва район партия комитетлари бирорта ҳам бошланғич ташкилотнинг ҳисоботини эшитмаганлар. Янгиобод ва Қувасой шаҳар партия комитетлари, Ургут, Шўрчи, Деҳқонобод, Оқолтин, Шовот каби район партия комитетлари шулар жумласидандир. Бундай сусткашликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Шаҳар ва район партия комитетлари ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарлик масалаларини ҳар томонлама муҳокама қилишлари, партия ташкилотларининг ҳам комплекс, ҳам улар фаолиятининг айрим қирраларига оид масалалар юзасидан ҳисоботларини мунтазам эшитиб боришлари даркор.

Меҳнаткашлар коллективларининг унумли ишлаши бошланғич ташкилотларининг ташаббуси, жанговарлиги, ғайрат-шижоатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бошланғич ташкилот ташаббус кўрсатиб, жанговарлик билан, ғайрат-шижоат билан ишлаганидагина коллективда соғлом маънавий вазият қарор топади. Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик чоғида ҳар бир ташкилот ишининг форма ва методлари замон талабига қай тарзда жавоб бераётганлигини синчковлик билан назардан ўтказиш, ҳар бир ташкилот мақсадга эришмоқ учун бутун куч-ғайратини ишга солиб меҳнат қиляптими, шуни пухта ўрганиб чиқмоқ лозим. Партиянинг асосий бўлган бошланғич ташкилотларининг жанговарлигини бундан буён ҳам ошириш энг муҳим вазифадир.

КОММУНИСТЛАРНИНГ активлигини ошириш партия ташкилотларининг диққат марказида турибди. Асосий иш шуки, ҳар бир партия ташкилотида ўзаро талабчанлик, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид вазияти яратилмоғи керак. Барча коммунистлар ўз ишида ва хулқ-атворида КПСС Программаси ва Уставига қатъий риоя қилишларига эришмоқ, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда авангардлик ролини амалда бажаришларига, партиянинг топшириқларига виждонан қараб, доимо марксизм-ленинизм назариясини эгаллаб боришларига эришмоқ зарур. Совет қонунлари, коммунистик аҳлоқ нормалари ва социалистик жамиятда яшаш қоидаларига риоя қилишда намуна кўрсатиш партия аъзосининг бурчидир.

Партия ташкилотлари бу ишни партия принципларига, партия ҳаётининг ленинча нормаларига талаб этганидек ҳар бир коммунистга диққат-эътибор билан, ҳолисона, якка тартибда муносабатда бўлиб олиб боришлари керак.

Коммунист ўзининг ишлаб чиқаришдаги бурчига қандай қараяпти? Партия ташкилоти ишида иштирок қиляптими, партия топшириқларини бажаряптими? Ўзининг гоявий-сиёсий савиясини ва профессионал ўқувини ошириб боряптими? Турмушда ўзини қандай тутяпти. Бу масалалар шу кунларда ўртоқларча синчковлик билан муҳокама этилмоқда. Партия матбуотида илгари ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтилганидек ана шу ҳар томонлама таҳлил партия аъзолари ва кандидатларининг роли ва масъулиятини оширишга, уларнинг коллективларга таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Агар айрим коммунистларга партия ташкилотининг муайян эътирози бўлса, ана шундай коммунистлар иши ва хулқи-атворида камчиликлар ва қусурларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳар томонлама ўрганиб чиқмоқ лозим. Бундай коммунистлар билан партия ташкилотлари секретарлари, район ва шаҳар партия комитетлари секретарларининг суҳбати таъсирчан форма эканлиги маълум. Бундай суҳбатлар ўртоқларча вазнятда, холис ният билан, принципиал характерда ўтади. Бундай суҳбатлар чоғида айрим партия аъзолари ва аъзоликка кандидатлар ишда ёки ижтимоий-сиёсий фаолиятда, ўқувда ёки хулқ-атворда нега камчиликларга йўл қўяётганликлари аниқланади. Бундай коммунистларнинг қолоқлиги ва пассивлиги қай жиҳатдан коммунистнинг ўзига ва қай жиҳатдан партия ташкилотига боғлиқ эканлиги аниқлаб олинади. Ана шуларнинг ҳаммаси инобатга олингандан кейингина зарур тадбир белгиланади. Айрим ҳолларда партия аъзоси олдига каттароқ талаб қўйилса, баъзан унга ўртоқларча маслаҳат берилади. Ёки унга ёрдам кўрсатилиб, ишига ҳалқит бераётган нарсалар бартараф этилади, шундай қилиб партия аъзосининг фазилатлари, имкониятлари ва қизиқишлари тўлароқ ҳисобга олинади.

Партия ташкилотларининг эътирозлари бўлган коммунистлар билан суҳбат рўй-рост, дўстона бўлади. Бу суҳбатлар яхши натижа беряпти. Коммунистлар ўз айблари билан бирон-бир хатога йўл қўйган бўлсалар яккама-якка суҳбат чоғида буни дилдан тан оладилар, ўз ишларига, партия топшириқларига каттароқ масъулият билан қарайдиган бўладилар. Агар коммунистга бирон-бир эътироз билдирилган бўлса-ю, уни бартараф этиш шу партия аъзосига боғлиқ бўлмаса ёки камчилик ёки хато ҳам партия ташкилотининг, ҳам коммунистнинг куч-ғайрати билан йўқотилади. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, партия аъзоси етарлича активлик билан ишламаётганлигида партия ташкилотининг ўзи айбли бўлади. Бунинг боиси шундаки, ҳанузгача ҳам айрим партия ташкилотлари ҳар бир кишининг кўнглига йўл топа олмаяптилар, ўз кучларидан тўғри фойдаланишда ўқувсизлик қилиб ҳам доимий, ҳам муваққат партия топшириқларини бир текис тўғри тақсимламаяптилар.

Шуни таъкидлаш керакки, бундай ҳоллар тез-тез учраб турибди. Ленинград районидаги В. И. Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари Н. Назаров пенсионер, коммунист Д. Узоқов билан суҳбатлашганида шу нарса аён бўлдики, Узоқов айрим бригада партия йиғилишларига хабардор этилмаганги учун келмаган экан. Маргилон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Муҳиддинов трактор ремонти заводининг слесари И. С. Аҳмедзянов билан суҳбатлашганида қуйидагилар аниқланди: бу коммунист ишда пассивлигини тан олди, унумлироқ ишлашим мумкин эди, деди. Лекин шу корхонанинг бошланғич партия ташкилоти коммунистга камчиликларини кўрсатмаган ва топшириқлар бермаган. Қўқон шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари М. В. Бондарев «Большевик» заводининг ишчиси Г. Ларионова билан суҳбатлашганида, бу коммунист ҳаммавақт ҳам партия взносларини ўз вақтида тўлай олмаяпман, чунки иккинчи сменада ишлайман, партия ташкилоти эса буни инобатга олмаяпти, деди.

Суҳбатлар жуда ҳам таъсирчан бўлаётганлиги, яхши натижа бераётганлиги кўриниб турибди. Коммунист билан яккама-якка суҳбат бўлганидан кейин уларнинг активлиги ошмоқда, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмоқда, ишлаб чиқариш ва жамоат ишларига партиявий таъсир кучаймоқда.

Лекин бу ишда айрим камчиликлар ҳам содир бўляпти. Айрим ташкилотлар ва комитетларда суҳбат ўтказишга киришилгани йўқ, суҳбат ўтказиладиган коммунистлар аниқлаб чиқилди, холос. Баъзи ташкилотларда гарчи эътирозлар бўлса ҳам раҳбар коммунистлар билан суҳбат ўтказиш кўзда тутилмаяпти. Бошқа партия ташкилотларида эса зарурат бўлмай туриб шошма-шошарлик билан иш тутмоқдалар — партия комитетларининг секретари кунига 10-15 нафар коммунист билан суҳбатлашмоқдалар. Шеробод райкоми ва Термиз шаҳаркомида шундай ҳол содир бўлган эди. Коммунистлар суҳбатлашиш учун навбат кутиб туришса дилдан суҳбат бўлмаса керак. Айрим комитетлар бу масъулиятли ишга «ҳайбаракаллачилик» билан қараганлар. Масалан, Бағдод район партия комитети қирқ тўрт нафар коммунист билан суҳбат ўтказиб бу борадаги ишни ниҳоясига етган деб ҳисоблаяпти.

Коммунистлар билан яққа тартибдаги суҳбат партия аъзоси билан ишлашнинг таъсирчан формаси бўлиб, бундан партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик давридагина эмас, балки партия ҳужжатларини алмаштириш кезларида ҳам фойдаланиш керак. Коммунистларни партия ҳаётига активроқ тортиш мақсадида айрим ҳолларда партия аъзолари билан яна қайтадан суҳбатлашиш керак.

Шу билан бир қаторда суҳбат ўтказишда меъёрга ҳам риоя қилиш керак. Баъзан у ёки бу ташкилотда партия ҳисобида турган ҳамма ўртоқлар билан суҳбат ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Бу албатта нотўғри. Коммунист билан суҳбат ўтказмоқ учун етарли зарурат бўлиши керак. Бунда масаланинг моҳияти муҳимдир, суҳбат расмият учун ўтказилмаслиги зарур. Масалан, корхонада, қурилишда ёки колхозда яхши меҳнат қилаётган коммунистни пассивлар қаторига қўшиб қўйиш ножўя бўлур эди. Бундай ўртоқлар коллектив иши учун жон куйдирсалар-да, у ёки бу сабаб бўлиб доимий партия топшириқлари олмаган бўлишлари ёки йиғилишларда онда-сонда сўзга чиққани учунгина пассивлар қаторига кириб қолмасликлари лозим.

Ва ниҳоят коммунистлар билан яккама-якка суҳбат ўтказмоқ учун барвақт саволлар тузиб қўйиш ва анкеталар тайёрлаб қўйиш зарур эмас. Коммунист билан суҳбат ижодий ишдир. Уни расмиятчиликка айлантириб бўлмайди. Чунки ҳар бир суҳбат бошқа-бошқа одам билан бўлади. Мавзу ҳам турли-туман, бу суҳбатларда конкрет сабаблар ва оқибатлар хусусида сўз боради. Шу боисдан ҳам биз Бухоро область партия комитети Ғиждувон ва Қизилтепа район комитетларининг хатосини кўрсатиб тўғри иш қилди деб ҳисоблаймиз. Ушбу район комитетларида суҳбат чоғида қўлланма бўлсин деб 11 пунктдан иборат саволлар «Мажмуа»си тузиб чиқилган эди. Ўтган суҳбатларни ҳам, қайд этиб бормоқ учун ягона бир қолипдаги форманинг кераги йўқ. Коммунист билан бўлган суҳбат тўғрисида бюро ва комитетларда қисқагина ахборот ёзилса бас, зарурат бўлиб қолса ана шу суҳбатнинг таъсирини текшириб кўриш, коммунистлар ва ташкилот суҳбатдан кейин ўзлари учун қандоқ сабоқ чиқарганликларини шунга қараб билиб олса бўлади.

Энг муҳими, суҳбатлар коммунистлар онгида чуқур из қолдириши, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ва жамоат ишларидаги активлигини ошириши, партия аъзоларининг масъулиятини кўтариши ва интизомини мустаҳкамлаши зарур.

ҲУЖЖАТЛАРНИ алмаштиришга тайёргарлик кезида илгари партия жавоби олган коммунистларнинг ишини қараб чиқиш лозим бўлади. Бундай коммунистларнинг иши қатъий якка-якка тарзда кўриб чиқилиши, бунда унинг иши ва хулқ-атвори ҳисобга олиниши, илгари йўл қўйган хатоси ёки камчилиги яна бир назардан ўтказилиб жазо қачон берилгани ҳам инобатга олиниши керак. Айрим коммунистлар бир неча бор жазоланган бўлишларига қарамай, бундан зарур хулосалар чиқариб олмай ўзларини тоғўғри тутмоқдалар. Лекин жазо олган кўпчилик коммунистлар хато ва камчиликларини аллақачон тузатганлар, яхши ишламоқдалар, жамоат ишида ҳаётий қатнашмоқдалар, аммо, шундай бўлса ҳам улардан илгариги партия жазолари олиб ташланмаган. Бу масалаларни диққат-эътибор ва принципиаллик билан қараб чиқиб якка-якка тарзда КПСС Уставининг қоидаларига қатъий риоя қилиб ҳал этмоқ лозим. Республика партия ташкилотларида бу борада муайян иш қилинмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм область партия ташкилотлари жазони олиб ташлаш ҳақидаги ариза-ларни мунтазам, ниҳоятда диққат-эътибор билан қараб чиқмоқдалар. Берилган жазодан зарур хулоса чиқариб олган кўпгина коммунистлардан бу жазолар белгиланган тартибда олиб ташланди.

Лекин шундай партия ташкилотлари ҳам борки, уларда шу масалалар онда-сонда кўрилмоқда. Ҳолбуки ана шу ташкилотлардаги айрим партия аъзоларига бир неча йиллар муқаддам ҳайфсан берилган эди. Жумладан Бухоро область партия ташкилотларида шундай ҳол содир бўлмоқда.

Агар партия аъзоси ўзига берилган жазодан зарур хулоса чиқариб олмаса, қайта-қайта ҳайфсан олган бўлса-ю, ўзини ҳамон нотўғри тутса булар билан келишиб бўлмаслиги, муросасозлик қилиб бўлмаслиги аёндир. Партиявий жазолардан хулоса чиқариб олмаган одамларга муросасозлик қилиш ҳоллари онда-сонда бўлсада ҳаркалай учраб турибди. Бир мисол келтириб ўтайлик: Самарқанд суперфосфат заводининг нормаловчиси П. Н. Садиринга аҳлоқсизлиги, ойласини менсимаганлиги учун 1964 йилдаёқ ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган эди. Лекин у ўзини партия аъзосига номуносиб тутаверди, шу сабабдан ҳам бошланғич партия ташкилоти биринчи жазо олганидан кейин саккиз йил ўтгач П. Н. Садиринни партия сафидан ўчирди. Самарқанд шаҳар партия комитети эса бошланғич ташкилотнинг қарорини бекор қилиб, ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Шу билан бир қаторда шаҳарком ўз қарорида П. Н. Садиринниг оғир қилмишларини, ҳам қайд этди: «П. Н. Садирин илгариги партиявий жазодан тўғри хулосалар чиқаришни истамаган, хотинини икки боласи билан ташлаб кетиб, спиртли ичимликларга ружу қилган, қўлидаги моддий бойликларнинг камоматига йўл қўйган, партия ташкилотининг ишида пассив қатнашган». Танг қоладиган ери шундаки, шу ишчи партия комиссияси мажлисига ҳам ичиб келган... Бундан бир неча кун муқаддам шаҳар партия комитети шу шахсий ишни қайтадан кўриб чиқиб ўзининг қарорини ўзгартирди, Садиринни партия сафидан ўчирди.

Партия ташкилотлари Уставда кўзда тутилган тартибда коммунист деган улуғ номга қомуносиб кишилардан мунтазам тарзда қоли бўлиб бораверадилар. Ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарлик ва уни ўтказиш кезида ҳам партия ташкилотлари коммунистларга қаттиқ талаблар қўйишлари, партия Программаси ва Устави талабларини бажармаётган, партия ҳаёти нормаларига риоя қилмаётган кимсалардан ҳоли бўлиб бораверишлари керак. Коммунистларнинг активлигини ошираборид ва интизомини мустаҳкамлаб борио номуносиб кимсалардан ҳоли бўла бориб партия ташкилотлари уз сафларини мустаҳкамлайдилар, унинг жанговарлигини оширадилар, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда ўз таъсирларини кучайтирадилар, меҳнаткашларни совет ватанпарварлигги ҳамда социалистик интернационализм руҳида тарбиялашда яна ҳам каттароқ роль ўйнайдилар.

РЕСПУБЛИКА партия ташкилотларида ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарликнинг ташкилий-техникавий жиҳатига ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Коммунистларнинг учёт маълумотларини таққослаб кўриш муваффақиятли бормоқда. Шу кунгача 9 мингдан кўпроқ бошланғич ташкилотларда 300 минг нафар коммунистнинг ҳужжатлари таққослаб кўрилди. Бу таққослаш кезида кўп ўзгаришлар бўлгани аниқланиб улар ҳисоб карточкасига қайд этиб қўйилди. Бу ўзгаришлар асосан ҳукумат мукофотлари билан тақдирланганлик, маълумотидаги ва бошқа ўзгаришларга тааллуқлидир. Синчковлик билан ўтказилаётган ҳужжатларни таққослаш партия билетларини алмаштиришни пухта ўтказишга ёрдам беради.

Янги ҳужжатларни тўлдиришга райкомларда коммунистлар танлаб олинди. Булар сиёсий жиҳатдан етук, обрў-эътиборли, интизомли, саранжом-саришта одамлардир. Улар билан махсус машғулотлар ўтказилди, эндиликда бу коммунистлар учёт маълумотларини таққослашда иштирок қилмоқдалар, партия ҳужжатлари билан иш юритиш маҳоратини эгалламоқдалар.

Шаҳар ва район партия комитетларида янги ҳужжатларни тўлдириш учун хоналар ажратилди ва жиҳозланди, коммунистларни суратга олиш учун зарур ҳозирлик ишлари кўриляпти.

Район ва шаҳар партия комитетлари зиммаларидаги юксак масъулиятни чуқур ҳис этиб ишнинг кўзини билиб, ижодий меҳнат қилмоқдалар, улар ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарликнинг ташкилий-техникавий жиҳатини ҳам намунали қилиб ўз вақтида бажарадилар.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарликда майда иш йўқ, бу иштинг ҳамма жиҳатлари катта аҳамиятга молиқдир. Бу муҳим иш ҳар бир партия ташкилотига, ҳар бир коммунистга тааллуқлидир. Партия сафларининг кўриги партиямизни бундан буён ҳам янада мустаҳкамлашга, партиянинг кучларини КПСС XXIV съезди белгилаб берган коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини муваффақиятли амалга ошириш учун сафарбар этишга хизмат қилади.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини барвақт бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

Бухоро области (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Муртазоев**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Хайруллаев**, область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жўраев**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Исаев**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Каньшин**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Бўриев**);

Вобкент райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Наимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Давронов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Бўронов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Шайдоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Шамсиддинов**);

Шуманай райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Шарипов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Юсупов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Нуритдинов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Урдаев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Олланиёзов**);

Янгиариқ райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Матнаримов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шаников**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Матёқубов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Юсупов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Хўжаев**).



ЕШ ФИЗИКЛАР АНЖУМАНИ

6 декабрда Тошкентда ёш физикларнинг биринчи республика конференцияси иш бошлади. Конференцияда Москва, Ленинграддан. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондан келган меҳмонлар қатнашмоқда.

Конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов очди. Унинг қатнашчиларини Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов табриклади.

Конференция ўз иши давомида 250 га яқин доклад ва ахборотни муҳокама қилади. (ЎзТАГ).

МИЛЛИЙ БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков ва СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Ё. С. Насриддинова Финляндия Республикасининг миллий байрами — мустақиллик куни муносабати билан Финляндия парламентининг раиси В. Й. Сукселайненга табрик телеграммаси йўллардилар. (ТАСС).

МИНИСТРНИНГ ТЕЛЕГРАММАСИ

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Финляндия Республикасининг миллий байрами — мустақиллик куни муносабати билан Финляндия ташқи ишлар министри Ахти Карьялайненга табрик телеграммаси йўллади.

(ТАСС).

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 6 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи ступ—областлар; иккинчи ступ—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида) учинчи ступ—планнинг бажарилиш процента.

НАМАНГАН	145,5	115,3
СИРДАРЁ	281,0	104,0
Тошкент	214,8	98,8
Андижон	164,2	93,8
Хоразм	8,3	70,0
Қашқадарё	86,4	64,7
ҚҚАССР	28,2	61,0
Фарғона	74,1	54,3
Самарқанд	81,0	33,7
Сурхондарё	19,8	14,2
Бухоро	19,9	11,0
Республика бўйича:	1123,3	67,0

СССРнинг олтин тўйига саноқли кунлар қолди. Тўйга тўёна билан бораётган Тошкент асбобсозлик заводининг сергайрат коллективи йиллик топшириқни ошириб бажариш ҳисобига қизғин меҳнат қиляптилар. Суратларда: 10-цехнинг пешқадам ишчилари (чапдан) М. Н. Жилкин ва Л. И. Курниева ўртоқлар иш устида. Цех жонкуярлари кўп йиллардан бўён смена топшириқларини мудом 130-140 процентдан бажариб келишяпти.

А. Тўраев фотолари.

УШАЛГАН ОРЗУ

Нишонбиби эски пальтосининг чок-чокидан сўкиб тикилиш йўлларини кўздан кечира бошлади. Шу пайт ойиси келиб қолди.

— Вой, қизим тушмагур-ей, пальтонгни нима қилиб қўйдинг!!

— Бичиш-тикишни ўрганаётгандим, — деди Нишонбиби гуноҳ қилиб қўйгандек, кўзларини жовдиратиб.

— Майли, хафа бўлма қизим! — Онаси унинг бошини силади, — Тикувчиликка қизиқишинг яхши. Мактабни тугатсанг, сени тикувчиликка ўқитамиз.

... 1947 йилда Нишонбиби Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикасига ишга келганда ўйланиб қолди: «Тикувчиликка қўлим келмаса, уялиб қолмасмиканман...»

— Хўш, хизмат! — сўради кадрлар бўлими бошлиғи зийрак қизга синовчан боқиб.

— Тикувчи бўлмоқчиман! — қатъий жавоб берди қиз.

«Қизил тонг»ги тикувчилик фирмаси коллективи тиришқоқ ва сергайрат Нишонбибини иссиқ бағрига олди.

Нишонбиби дастлаб фабрика ҳузуридаги ишчилар билим юртига қабул қилинди. У, ҳам ўқиди, ҳам ишлади. Тикувчилик сирларини қунт билан эгаллади.

Цех бошлиғи Антонина Александровна Строя ўз шогирди Нишонбиби ҳақида шундай деди:

— Нишонбиби ёшлигидаёқ топширикни чаққон бажариб тугатарди-да, яна иш сўрарди. Ҳозир у фирмамизнинг фахри. Бахтини шу корхонадан топди. Фирмамизнинг энг илғор ишчиларидан бўлган Ҳайитмат Назаров билан танишиб, бирга турмуш қуришди. Ҳайитмат Назаров цех бошлиғи вазифасигача бўлган фахрли меҳнат йўлини босиб ўтди, коллектив манфаати, корхона тараққиёти учун жон куйдирди. Ҳозир у қарилик гаштини суриб юрибди. Нишонбиби опа эса ҳамон меҳнат қучоғида.

Мана, биз 2- цехдамиз. Тикув машиналарининг овози бир зум ҳам тинмайди. Цехни гуллар чаманига қиёс қилгинг келади. Асосан ёшлардан ташкил топган цех чеварлари гул-гул очилиб ишлашади. Кийим қисмлари конвейер орқали бир тикувчидан иккинчисига ўтиб турибди.

Мастер Мария Григорьевна Гелахмин бизни истараси иссиқ, қорачадан келган, нозикина аёл ёнига бошлади.

— Нишонбиби Назарова шу киши бўладилар. Цехимизнинг энг илғор, қўли гул чеварларидан.

Нишонбиби чаққонлик билан кийимларнинг кўкрак чўнтакларини ўрнатмоқда, унинг ҳар бир ҳаракати ҳисобли, ишни аниқ ва тез бажарарди.

Беш йиллик илғорлари

Нишонбиби чорак асрдан буён шу даргоҳда баракали меҳнат қилиб келмоқда. Квартал ва ойлик планларини 120-130 процент адо этяпти.

Халқимизнинг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, дидга ёқадиган кийимлар тикишда Нишонбиби Назарованинг муносиб ҳиссаси бор. У таниқли тўқувчилар Л. Казанцева ва Е. Губина ўртоқларнинг беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ҳамда юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга қаратилган ташаббусига қўшилиб, ҳозир 1973 йил ҳисобига иш бажармоқда,

Цех коллективи шу кунларда янги буюртмалар асосида мовут газламадан эркаклар пальтоси тикаётир. «Пелакс» деб номланган янги бақувват ва чидамли газламадан 98 минга эркаклар пальтоси тикиб топширилди. Нишонбиби ишлаётган коллектив бир сменада 400 ўрнига 500 — 550 та пальто тайёрлашга муваффақ бўлаётир.

Партия ва ҳукуматимиз узоқ йиллик самарали меҳнатини қадрлаб Нишонбиби Назаровани Ленин ордени билан тақдирлади. У бир неча марта Тошкент шаҳар, Ленин район Советига депутат қилиб сайланди.

Нишонбибининг орзулари кўп. Унинг шу орзулари ушалишига тилакдошмиз.

Р. МУҲСИМОВА.

ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

МАҲСУЛДОРЛИК ОШАВЕРАДИ

Ўз бурчини чуқур ҳис этган тажрибали чорвадор шу кеча-кундузда тинчиб-тинчимайди. Молхоналар, қўйхоналарни обдон кўздан кечиради. Ем-хашак, силос, сенаж тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни бажариб қўяди. Биз ҳар йили қишловга ана шундай тайёргарлиқ кўрамиз.

Халқимизда, чорвадорлик — баҳодирлик, деган ҳикматли гап бор. Чорвадор чинакам қаҳрамонлик кўрсатиши лозим. Акс ҳолда гўшт, сут, жун, тухум каби маҳсулотлар мўл-кўллигини таъминлай олмайди. Фермамизда 300 бош қорамол бўлиб, шулардан 220 боши соғин сигирлардир. Биз юбилей йилини фидокорона меҳнатимиз туфайли юқори кўрсаткичлар билан якунлаяпмиз. Ҳар бош соғин сигирдан 1200 литр ўрнига 1700 литрдан серқаймоқ сут соғиб олинди. Бузоқ олиш топшириғи ошириб бажарилди. Юз бош сигирдан 100 тадан соғлом бузоқ олишга эришилди. Гўштга топширилган қорамолларнинг вазни 300-320 килограммга етказилди.

Хўш, бундай муваффақиятга қандай қилиб эришилди? Дастлабки шуни айтиш керакки, чорва моллар ўтган йилги қишдан семиз ва соғлом олиб чиқилди. Соғувчилар ўзларига бириктирилган сигирларнинг ҳар бирига алоҳида муносабатда бўлишди. Ювиб-тараб, вақтида озуқаси, сувидан хабардор бўлиб туришди. Натижада қиш ойларида ҳам, ёз ойларида ҳам мўл-кўл сут соғиб олишга эришилди. Назокат опа Назарова ўн беш йилдан буён соғувчи бўлиб ишлаб келади. У ҳар бош сигирдан шу кунгача 2500 литрдан сут соғиб олиб, бу кўрсаткични 3000 литрга етказиш учун қурашмоқда. Момогул Нодирова ҳам кўп йиллардан буён соғувчилик касбини ардоқлаб келаётир. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Бу юксак мукофот Момогул аяни меҳнатда янги марралар сари чорлаяпти. У ҳар бош сигирдан 2100 литрдан кўпроқ сут соғиб олишга эришди. Ҳанифа Жўраева, Назокат Ҳалимова, Фарогат Мамедова, Зуҳра Саидовалар ҳақида ҳам худди шундай илиқ гапларни айтиш мумкин.

Молбоқарлар ўртасида бошланган социалистик мусобақа яхши самаралар бераётир. Янгибой Жумаев, Ҳамро Нуров, Нурилла Бозоровлар гўштга топшириладиган молларни бир кеча-кундузда 800-900 граммгача семиртириш ташаббусини бошлаб бердилар. Бу ташаббус туфайли колхозимиз гўшт сотиш йиллик планини ошириб бажарди. Пландаги 620 центнер ўрнига 700 центнер семиз гўшт, 200 тонна ўрнига 280 тонна сут топширилди. Назар Қандимов бошқараётган қўйчилик фермаси коллективи эришаётган ютуқлар ҳам диққатга сазовордир.

Чорвадорларимизнинг тинмай изланиши, сидқидилдан меҳнат қилиши натижасида қорамолларда ҳам, қўйларда ҳам касалликларга чалиниш, ориқлаб кетиш ҳоллари содир бўлмаяпти. Зоотехниклар, ветеринария врачлари томонидан қишлов олдидан моллар синчиклаб кўздан кечириб турилади. Ориқ моллар алоҳида ажратилиб боқилади. Янги туғилган бузоқлар парваришига айниқса эътибор берамиз. Бу тадбир туёқ сонини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Чорва қишлови бошлангач, ҳар бир чўпон, молбоқар зиммасига юксак масъулият юкланади. Бу масъулият шундан иборатки, ҳар бош молни шамоллаб қолишининг олдини олиш, маҳсулдорлигини камайтирмасликдир.

Чорва моллар маҳсулдорлигини оширишнинг энг муҳим шарти — озуқа базасининг мустаҳкам бўлишидир. Биз ҳар йилгидек бу йил ҳам етарли миқдорда ем-хашак, силос ва сенаж тайёрлаб қўйдик. Пландаги 400 тонна ўрнига 520 тонна ем-хашак жамғарилди. Жума Рашидов бошлиқ маккажўхорикор бригада аъзолари ҳар гектар ердан 600 центнердан кўпроқ йиғиб олдилар. Шундай қилиб, жами 650 тонна силос ҳозирланди. Бу муҳим ишларни амалга оширишда шофёр Норқул Рўзиев, бузоқбоқарлардан Олтибой Бозоров, Жумаш Қўлдошевлар катта ғайрат кўрсатдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори бизга янги масъулият юклайди. Биз партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб берамиз. Чорва маҳсулотларининг мўл-кўллигини таъминлаймиз. Фермамиз ходимлари кейинги икки-уч йил ичида қолоқликка барҳам бердилар. Ўтган хўжалик йилида ферма 16,8 минг сўм даромад келтирди. СССРнинг 50 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида бу кўрсаткични 20 минг сўмга етказиш учун курашмоқдамиз.

Қиличини кўтариб қиш келяпти. Чинакам чорвадор ҳар қандай қишга, қаттиқ изғиринга, қор-бўронли кунларга ҳам ҳозиру-нозир бўлиб турмоғи даркор. Акс ҳолда, ғафлатда қолиши, мол туёғига путур етказилиши мумкин. Шунинг учун биз қишга тайёргарлик кўришда фақат колхоз молларининг соғлом ва семиз чиқишини эмас, колхозчилар ихтиёридаги туёқларнинг ҳам қишдан эсон-омон олиб чиқилишига тайёргарлик кўриб қўйдик. Колхозчиларга бериш учун 50 тоннага яқин дағал хашак, 12 тоннадан знёд омухта-ем ҳозирлаб қўйилган. «Молни тўқнинг — кўнгли тўқ», деган нақл бор. Агар колхозчининг ҳам моли тўқ бўлса, у далада унумли ва баракали меҳнат қилади.

Чорва қишловига тайёргарлик муносабати билан мен баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Жуда кўп хўжаликларда, жумладан, бизнинг колхозимизда ҳам чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлашга катта аҳамият бериляпти. Лекин, бедапоялар, маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинлар майдонлари 5-10 гектар қилиб пахтачилик бригадалари ихтиёрига бириктиб қўйилмоқда. Назаримда, бу усул пахта-беда алмашлаб экиш схемасига ҳам салбий таъсир қилса керак. Агар бедапоялар, маккажўхори майдонларга кузги буғдой экдилар. Эрта экилган уруғ унib чиқди.

Р. НАЗАРОВ.

Ҳафиза Ўтанова Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозининг илғор сут соғувчиси. У ўзига бириктирилган 25 соғин сигирнинг ҳар биридан ҳозиргача 2 минг литрдан сут соғиб олди. Моҳир сут соғувчи йиллик планни ошириб бажарди. Эндиликда у социалистик мажбурият ҳисобига сут соғиб олмоқда. Суратда: Ҳ. Ўтанова.

ДОН ЭКИШ ИЛҒОРЛАРИ

Давлатга дон сотиш йиллик планини ошириб бажарган Ўргут районидаги Охунбобоев номли колхоз ғаллакорлари келгуси йил мўл ҳосилини кўзлаб, катта майдонларга уруғ сепмоқдалар. Ҳозиргача 600 гектардан знёд ерга кузги буғдой экилди.

К. РАУПОВ.

Иштиҳон районидаги Навоий номли колхозда кузги дон экиш плани бажарилди. Жами 600 гектардан знёдроқ майдонга уруғ ташланди.

А. ИМОМОВ.

ҒУЗОР. «Пачкамар» совхозининг Р. Абдиев бошлиқ ғаллачилик бригадаси бу йил пландаги 1500 центнер ўрнига 2300 центнер дон топшириб йиллик планни 150 процент бажарган эди. Бригада коллективи яна катта майдонларга кузги буғдой экдилар. Эрта экилган уруғ унib чиқди.

Р. НАЗАРОВ.

ОБИДАЛАР ҚАД ТИКЛАЯПТИ

МАДАНИЙ МЕРОС — БОЙЛИГИМИЗ

Хоразмдаги қадимий археологик ва архитектура ёдгорликларига қизиқиш тобора ошяпти. Бу ердаги ноёб обидалар кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида воҳанинг шаҳар ва қишлоқларидан 60 минг киши, мамлакатнинг турли бурчакларидан 30 минг киши, 2000 дан кўпроқ чет эллик сайёҳ Хива шаҳридаги тарихий ёдгорликларни келиб кўрди.

Шу факт диққатга сазоворки, саёҳатчилар, бобокалонларимиз таланти ва истеъдодига юксак баҳо беришяпти. Қадимги хоразмликларнинг меъморчиликдаги ўзига хос услуби, архитектура ёдгорликларининг гўзаллиги, оригиналлиги, нақшларнинг сержилолиги уларни мафтун этяпти.

Бу — масаланинг бир томони. Сайёҳларнинг эътиборини тортаётган яна бир жиҳати бор. У ҳам бўлса — давлатимизнинг маданий бойликларга муносабати, тарихий обидаларни сақлаш ва қайта тиклаш тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлигидир. Бу соҳада ҳақиқатан ҳам жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат муҳофазасига олинган 222 та тарихий ёдгорликнинг кўпчилиги кейинги йилларда қайта тикланди, ремонт қилинди, кўплари асл ҳолига келтирилди. Ёдгорликлар асосан, Хива шаҳрида жойлашган. Шу боисдан Хива заповедник шаҳарга айлантирилди. Хонликнинг сўнгги қароргоҳи бўлмиш Нуруллабой архитектура комплекси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Жума мачит каби ёдгорликлар, кўпгина миноралар, гумбазлар, мадрасалар қайта тикланди. Ер қаърида қолиб кетган Шергозихон мадрасаси ремонт туфайли аввалги ҳолига келтирилди. Хиванинг Ҳазорасп дарвозаси қайта тикланди, «Ота ҳовуз» бўйида миллий таомлар ошхонаси очилди.

Шу кунларда Кўҳна Арк, Амир Тўра, Матниёз Девонбеги мадрасаларини қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Ислом Хўжа, Арабхон, Муҳаммад Аминхон мадрасалари илгари хўжалик мақсадларида банд қилиб қўйилган эди. Ҳозир бу обидалар сайёҳлар учун очиб қўйилди. Муҳаммад Аминхон мадрасаси қайта тикланиб саёҳатчилар меҳмонхонасига айлантирилади.

Ҳазораспдаги Кўҳна қалъа, Боғотдаги Қалажиқ, Шовотдаги Ваянган қалъа сингари тарихий ёдгорликларни сақлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Урганчда Дошқин бобо мақбарасини қайта тиклашга киришилди. Туркманистон ССРнинг Тошовуз области ва Қорақалпоғистон АССР территориясида қадимги хоразмликлар бунёд қилган ёдгорликлар кўп. Уларни қайта тиклашда хоразмлик усталар катта ҳисса қўшмоқдалар. Хива нақкошлари ва ўймакорлари Кўҳна Урганчдаги Тўрабек хоним мақбарасини тиклашга яқиндан ёрдам кўрсатишди.

Обидаларни ремонт қилиш ва қайта тиклашда Хива усталарининг хизмати катта. Бу ерда қайта тиклаш илмий-ишлаб чиқариш устахонаси ишлаб турибди. Таниклик халқ усталари Сафо Боғбеков, Одамбой Ёқубов, Мадраҳим Отажонов, Салой Пўлатов таълимида кўплаб нақкошлар етишяпти. Хивадаги ҳунар-техника билим юртида ўймакорлик группаси ташкил қилишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Тарихий ёдгорликлар қайта қад кўтараётганлиги партия ва ҳукуматимиз халқнинг ўтмишдаги маданий меросини сақлаш ҳақида доимий ғамхўрлик қилаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШУДГОРЛАШ ҚИЗҒИН

Кузги шудгор келгуси йил мўл ҳосили учун қурашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бунга амал қилаётган Пиқент районидаги механизаторлари ҳосилдан бўшаган экин майдоларини агротехника қоидалари асосида сифатли шудгор қилмоқдалар. Шу кунларда район хўжаликларида 142 ҳайдов трактори ишлаб турибди. Район бўйича кунига 900-950 гектар ер шудгор қилиняпти. 116 та тележка, 20 та юк машинаси далага маҳаллий ва минерал ўғит ташишга сафарбар этилган.

Район партия комитети ва қишлоқ хўжалик бошқармаси механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани яхши ташкил этганлар. Ҳар беш кунда мусобақа якунланиб, голибларга кўчма вимпел ва пул мукофотлари берилаётир.

Мусобақада Калинин номли, Охунбобоев номли, «Гулистон» колхозларининг тракторчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Бу хўжаликларда экин майдонларининг 80 процентдан ошироғи шудгор қилиб бўлинди.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
жамоатчи мухбир.

ПУХТА ТАРАДДУД

ТУРАҚЎРҒОН, (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Юбилей йилида она-Ватанга 37600 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, социалистик мажбуриятни шараф билан бажарган район пахтакорлари 1973 қишлоқ хўжалик йилига ҳам намунали тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар Наманган областида биринчи бўлиб шудгорлашни тугалладилар. 9400 гектардан знёд майдон агротехника қоидалари асосида ҳайдаб қўйилди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

Янги Китоблар

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди:

ОГАҲИЙ. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ. Олти жилдликнинг иккинчи жилди. Девон, Ғазаллар, 422 бет, тиражи 25.000, баҳоси 67 тийин.

С. МАМАЖОНОВ. УСЛУБ ЖИЛОЛАРИ. Шоир Ғафур Ғулом ҳақида. 220 бет, тиражи 4.000, баҳоси 84 тийин.

МИРМУҲСИН. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР. Ҳикоялар, қиссалар. Уч жилдликнинг учинчи жилди, 424 бет, тиражи 60.000, баҳоси 89 тийин.

Саид АҲМАД. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР. Қиссалар, ҳажвлар, чиниқтиралар. Уч жилдликнинг иккинчи жилди. 392 бет, тиражи 10.000, баҳоси 82 тийин.

Одилжон НОСИРОВ. ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ҒАЗАЛ. 136 бет, тиражи 5.000, баҳоси 22 тийин.

Ф. НАСРИДДИНОВ, МИРМУҲСИН (Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида) 92 бет, тиражи 5.000, баҳоси 16 тийин.

Ҳамид ИКРОМОВ, Зайниддин ДУСМАТОВ, Самад ҚОДИРОВ. Қанотлар. Қиссалар. 140 бет, тиражи 30.000, баҳоси 36 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз деҳқонлари келгуси йилнинг мўл ҳосили учун пухта замин яратишга отланиб кузги шудгорга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Кузги шудгор ишларида 16 ҳайдов трактори қатнашмоқда. Колхоз механизаторлари пахталардан бўшаган 1800 гектар майдоннинг сўнгги гектарларини шудгор қилмоқдалар. 3-бригада тракторчилари Абдурасул Уролов, Тўхта Бўбатоев ўртоқлар ҳар сменада 8-9 гектар майдонни сифатли шудгор қилишга эришаётирлар. Суратда: (чапдан) илғор механизаторлар А. Уролов, Т. Бўбатоев ўртоқлар шудгорнинг сифатини текширмоқдалар. Ўнгдаги суратда эса бригадада кузги шудгор тасвирланган.

Ж. Тўраев фотолари.

ШЎРЎЗАК ХАЗИНАСИ

ОЧЕРК

Радиодан «Мирзачўлни чўл деманглар...» ашуласи бошланди-ю, Турсунмат ака беихтиёр бир силкиниб кўйди: — Шоир бўлганимда Шўрўзакни шўр деманглар, деган қўшиқ ёзардим.

Паст бўйлик, қорачадан келган, юзлари офтобда обдон қорайган, серҳаракат бу одам боягидан басавлатроқ кўриниб кетди шу тобда. Райком секретарининг, шу кичик гавдада чўл бургутига хос, полвонларга қиёс куч яшириниб ётибди, деган гаплари эсимизга тушди.

— Турсунмат Ғуломов Туркистон тарафдан бу ерга кўчиб келган, — деганди Ворошилов район партия комитетининг секретари. — Қишлоқ мактабида бир неча йил ўқитувчилик қилди. Уша кезлардаёқ Шўрўзакни ўзлаштириш ғоясини биринчилар қатори олға сурган эди. Унинг қобилиятига ишонган Куйбишев номли колхоз аъзолари раисликка сайлашди.

Райком секретари айтган раис билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Бизни ҳаммадан ҳам кўпроқ Шўрўзак қизиқтиради. Ҳозир ҳам шўри бор, ер тузли. Лекин ҳар ерҳар ергина енгил қиров қўнгандек кўринади. Бундан ўн йил, ўн беш йил...аввал қандай бўлган экан-а? Райком секретарининг таърифига қараганда, кенг далалар бетини бир қарич оппоқ шўр туз босиб ётган илгари. Қани ўша шўр тузлар?

— Бир қисми ер қаърига пастлаб кетган, — деди раис уфқ билан қўлтиқлашиб ётган далалардан кўз узолмай. — Бир қисмини эса зовурлар қазиб, қочириб юборганмиз.

У шундай деди-ю, бирдан ўйланиб қолди. Юзларига жиддийлик югурди, халигина пирпираб турган киприклари остидаги кора кўзлар бир нуқтага қадалиб қолди. Бундай дақиқаларда кишининг хаёлини бўлиш одобдан эмас. Майли, хотирласин, дегандай бўлди кимдир. Майли ёдингизга келтиринг ўша дамларни демоқчидай туюлди она ер. Ҳа эслайдиган нарса кўп, умр дафтарининг варақлари ҳали сарғайиб битмаган. Шўрўзак китобининг ёзилмаган саҳифаларини тўлдириш керак ҳали. Нималарни ёзсайкин-а?

— Ие, ҳа, айтгандай, Шўрўзак бағрига биринчи плуг қадалган куни қизиқ бўлувдими? Ун гектар келадиган яхлит пайкални энди ҳайдаб бўлишган эди ҳам, қаёкдандир бир агроном йигит келиб қолди. Институт аудиториясидан яқиндагина қанот коққан экан шекилли, кўрсаткич бармоғини бигиз қилганича пайкал этагидаги бир парча ерни кўрсатиб:

— Минерал ўғитни ҳам шундай исроф қиладиларми нега очиқ ҳавода қолдирдинглар, ғўза учун зарур бўлган фойдали хусусиятларини йўқотиб юбормайдими бу аҳволда! — деб қойиган эди.

Ҳамма елка қисди. Раис бўлса миийғида кулиб қўйганди ўшанда. Ёш агроном жаҳл аралаш югуриб бориб, оқариб ётган тупроқни туфлисининг учи билан титкилай бошлади. Бундок қараса, минерал ўғит эмас, ернинг шўри экан.

Бамисоли ловлагидек қизариб кетган эди ёш агроном уялганидан.

Раис кутилмаганда оғир бир хўрсинди-да:

— Шўрўзак деҳқон пешанасининг шўри бўлган ўтмишда, — деб қўйди.

Шўрўзак... Кимлар уринмаган бу ерга?! Кимлар унинг қўйнига кўл солиб, асрлар оша пинҳон тутиб ётган жавоҳирларини қидириб топмоқчи бўлмаган?! Кимлар ва қайси кўч, қайси шоввоз Шўрўзак бешигини тебратмоқчи, уни эллаламоқчи бўлган. Қани, айтинг, одамлар! Омоч билан ер тирнаб экин эккач бобоқалонларимиз мақсадига эришолмай, «қандоқ қилай, пешанамнинг шўри бор...» деб фарёд чекишган. Қуруқ кўл, белкурак билан қаёққа ҳам борарди одам?!

Раиснинг калин лаблари оҳиста шивирлар, у тағин ўзи билан ўзи танҳо гаплашаётгандек бўларди:

— Совет кишиси, асл деҳқоннинг қутлуғ қадами Шўрўзак жамолини очиб юборди! — деди у фахрланиб. Тракторлар шўр бағрини тилка-пора қилди, баҳайбат механизмлар тупроқни суриб, ер текислади. Ариқлардан шарқираб сув оқиб келди. Инсон қадамидан гул унди, пахта унди. Унинг қадоқ кўллари билан битталаб ўтказилган ниҳоллар қалб кўридан нур эмиб, барқ уриб ўсди, боғ-роғлар шовуллаб қолди. Тангача офтоб тегмайдиган хиёбонлар илгари бир орзу эди, холос. Энди-чи? Ҳақиқат.

У ястаниб ётган далаларга, сўлим ва дилбар колхоз қишлоғига гўё бугун келган меҳмондай суқланиб тикилди-да, жуда илиқ, самимий кулди. Кулганида ҳатто шундай катта кўзлари қисилиб кетди. Одам ич-ичидан қувонганида шундай бўлади.

Турсунмат ака қувонишга ҳақли. Шўрўзак ҳам унинг одамлари ҳам раиснинг кўз ўнгида ўзгариб боряпти, колхоз полвон қадам ташлаб илгарилаяпти. Биргина пахта майдонининг ўзи 1050 гектар. Илгари чигит унib чиқиб, ғўза қўшқулоқ бўла бошлагач, шўр туз «кекирдагидан» ғиппа бўғиб оларди Вассалом! Сув ва ўғитнинг зўри билан, тупроқни юмшатиш йўли билан чигитнинг ярмини ҳам ундириб ололмай ҳуноб эди одамлар. Ҳосилдорлик 10-15 центнер атрофида «тебраниб» турарди. Ҳозир бутунлай бошқача. Шу йилнинг ўзида гектаридан 35,2 центнердан хирмон кўтарилди. Кузнинг қоқ ўрталарида кўсаклар шундай очилдики, чаноклар лабига табассум қўнгандай бўлди. Ун бешта «зангори кема» далалар узра гумбурлаган кезларда замин-у осмон янграб кетди. Ҳайитали Аҳмедов, Карим Мамедов, Раҳимжон Ҳакимжонов каби дарғалар пахтазор денгизида жавлон урган дақиқаларда бункерлари мудом қуёшдай қулиб турди: яппи ҳосилнинг 82 процентини бункерлардан бўшатилди. Бундан ҳам юксак хирмон кўтарганлар бор. Лоақал, Эркабой Эгамбердиев бошлиқ бригадани олайлик: 151 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан «оқ олтин» сотиб, колхоздагина эмас, бутун Ворошилов районида рекорд қўйди. Пахтанинг фақат беш процентигинагина қўлда терди. Колган тўқсон беш фойизини машиналар саранжомлади. Бу, Шўрўзакка ҳужум бошланган дастлабки йилларда омоч бўйинтуруқ билан деҳқончилик қилган куйбишевликлар ақл бовар қилмайдиган даражада парвоз этганликларидан далолат эмасми?!

Раис мана шуларни эслаб, ўзига-ўзи савол беради: агар ғўзани икки кун олдин дефолиация қилсак, шунча хирмон уярмидик? Уттиз беш центнер қаёқдайди, дейсиз.

— Свердлов номли колхознинг сизга қўшни бўлган бригадаларида гектаридан 28 центнердан ҳосил олишди. «Социализм» совхозининг тутеш ерларида эса — 20 центнердан. Иқлим, ер-сув шароитингиз бир хил-ку. Улар ҳам Шўрўзак массивида деҳқончилик қилишади, сиз ҳам. Бироқ, тафовут катта.

Турсунмат ака нимадир демоқчи эди, бироқ гапга райком вакили аралашгач, индамади. Ишингга партия ташкилоти баҳо бергани яхши-да, қани нима деркин бу одам, — ҳаёлидан ўтказди раис. Яхшиси, бор гапни мухбирларга ўзи айтиб бергани маъқул.

Райком вакили кўпни кўрган, деҳқончиликда Турсунмат Ғуломовдан қолишмайдиган одам экан. Мана, нима деди у:

— Куйбишев номли колхознинг ер-сув шароити жуда оғир. Агар қўшни Свердлов номли колхознинг ҳар бир гектар экин майдонида беш литр туз бўлса, бу ерда — 16-17 литрни ташкил этади. Агар Свердлов номли колхоз ерларининг 25-30 процентини шўр босган бўлса, Куйбишев номли колхоз далалари 100 процент шўрхок. Куйбишев номли колхознинг баъзи бригадаларида сентябрнинг охирларида ер ости суви юзага чиқиб, эгатларни тўлдириб юборади. Шунинг учун ғўза баргини сунъий усулда тўкиришга эҳтиёт бўлиш керак. Турсунмат ака бунга алоҳида кўз билан қарайди. Дефолиация айни маромида ўтказилди. Ғўза барглари бирдан тўкилди. Кўсаклар патур-патур очилиб қолди. Дарҳол машиналар ишга туширилди, кунлик ўсиш беш-олти процент ва ундан ҳам оша бошлади. Қарабсизки, план ҳам, мажбурият ҳам ошиб-тошиб кетди. Ҳар бир агрегат ўрта ҳисобда 135 тоннадан пахта териб берди. Ҳамма гап ишнинг кўзини билишда, ҳамма гап ташкилотчиликда.

Шўр ювиш ҳам бу ерда бошқача ўтказилади, — деди райком вакили гапини тамомларкан. — Барча экин майдонлари 20 ноябрдан 20 декабргача пол олиб, икки марта қалқитиб суғорилади. Шундай қилинганида шўр туз тупроқнинг тобора ички қатламларига чўкиб кетади, ғўзанинг илдизига зарар етказмайди. Бугун шўр ювиш ҳақида шу колхозда район бўйича семинар ўтказиляпти. Яхшиси, бориб кўрайлик, — таклиф этди у.

Кенг дала. Тунов кунлари бодроқдек очилиб оппоқ оқариб ётган пайкаллар уйқуга кетган. Калта-калта қилиб пол олиняпти. Ариқдан шарқираб сув келиб қолди. Оби-ҳаёт йўлини пайкалга буришди. Момо ер халқумига яна сув тегди. Ундай майин эланган тупроқ чанкоғини босяпти. Пайкаллар сийнаси ҳадемай сувга лиммо-лим тўлди. Сув ер бетидан йигирма-йигирма беш сантиметр қалинликда қалқиб, бирдай балқиб турарди. Ўзи билан бирга тупроқ бетидаги шўр тузни ер қаърига тортиб кетади у. Янаги йил ҳам пахта мўлкўл бўлади.

Яқин-йироқдан келган мутахассислар бу колхознинг шўр ювишдаги илғор тажрибасини ўрганиб қайтаётганида одамлар бир-бирига савол беришарди: — Турсунмат ака келгуси йили қирқ центнерлик маррани кўзлаяпмиз, дедими. Айтишга осон-а...

— Ҳа, айтишга осон. Лекин бир урниб кўрамиз. Ҳосилдорликни қирқ центнердан ҳам ошириб юборган бригадаларимиз бор-ку, ахир. Қани, улар нима дейишади. Бошқаларнинг фикри қалай? — дерди раис меҳмонларни кузатаркан.

Раиснинг ҳам, Шўрўзак заҳматкашларининг ҳам фикри сумбула сувидек тиник эканлигини қаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу хаёллар оғушида колхоз қишлоғидан қайтар эканмиз, кимдир хиргойи қилди:

—Шўрўзакни шўр деманглар,
Боғу бўстон ҳаммаёқ,
Олам-олам нур таратди
доҳиймиз ёққан чироқ...

Самад ҚОДИРОВ,
Яҳё ТЎХТАЕВ,
Миршароф МУҲСИМОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЖИНОЙИЙ ИШ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Сирдарё область давлат педагогика институтида «айтсанг тилинг, айтмасанг дилинг қуйидиган ишлар содир бўляпти. Урта мактабларни тамомлаган кўпчилик йигит ва қизлар кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, ўқишга ўтяптилар. Аммо айрим шахслар институтга пора бериб кираяптилар. Бу илм даргоҳининг баъзи ўқитувчилари ана шундай кишиларга йўл очиб бериб, совет педагоги деган шарафли номга иснод келтирмоқдалар.

Редакцияга келган ана шу мазмундаги хат текшириш ва чора кўриш учун Сирдарё область иноронга комитетининг ички ишлар бошқармасига юборилганди. У ердан олинган жавобда айтилишича, хатда келтирилган фактлар қисман тасдиқланган. Институт ўқитувчиси А. Абубакиров порахўрликда айбланган ва унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

«БУЗУҚ МАШИНАЛАР»

Газетамизнинг шу йил 1 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақола юзасидан Пахтаобод район партия комитети редакцияга қуйидагиларни маълум қилди: Мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди. Район халқ контроли комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг мутахассислари иштирокида «Узсельхозтехника» район бирлашмаси томонидан ремонт қилинган пахта териш машиналарини текшириб кўрганида, уларнинг айрим деталлари алмаштирилмагани, баъзи ремонт ишлари бажарилмагани ҳолда, бунинг учун колхозлардан пул олингани аниқланди.

Текшириш якуни район халқ контроли комитетининг йиғилишида муҳокама қилинди. Бажарилмаган ишни бажарилди деб, кўз бўямачилик қилганликлари учун «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раҳбарлари огоҳлантирилди.

СПОРТ

ХАБАРЛАР

АРМИЯЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Москвалик армиячилар Европа чемпионлари кубоги учун курашда Швециянинг «Брюнесь» командаси билан бўлган биринчи учрашувни 8:2 ҳисобида ғалаба билан якунлашганди. Сафар ўйинида қўлга киритилган ютуқдан илҳомланган армиячилар ўз майдонларида ҳам муваффақият қозондилар. Утган куни В. И. Ленин номли спорт саройида ўтказилган такрорий учрашув ҳам қизғин кураш вазиятида ўтди. Хоккейчиларимиз меҳмонлар дарвозасини санкиз марта ишғол қилиб, атиги уч мартагина жавоб шайбаси олдилар ва Европа кубоги совриндори бўлишди.

* * *

«Известия» газетаси соврини учун ҳар йили анъанавий равишда ўтказиладиган халқаро учрашувлар бу гал Советлар Иттифоқининг 50 йиллик юбилейига бағишланади. Газета соврини учун курашда ЧССР, СССР, Швеция, Польша, Финляндия командалари ўзаро куч синашишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Ўйинлар 16 декабрь куни Финляндия — Швеция учрашуви билан бошланади. Соврин учун курашда бу йил совет хоккейи шарафини ҳимоя қиладиган терма командамиз состави ҳам аниқланди. Унга дарвозабонлар — В. Третьяк, А. Сидельников, ҳимоячилар — А. Рагулин, В. Лутченко, А. Гусев, В. Кузькин, Г. Циганков, Ю. Ляпкин, В. Орлов, В. Васильев, ҳужумчилар — В. Михайлов, В. Петров, Ю. Блинов, В. Харламов, А. Волчков, С. Глазов, А. Мальцев, В. Шадрин, А. Якушев, В. Анисин, Ю. Лебедев ва А. Бодуновлар киритилган.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкентдаги марказий шахмат-шашка клубида Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони кекса шахматчи Азмидин Ҳўжаев хотирасига бағишланган мусобақалар давом этмоқда. Биринчи тур ўйиндаги қуйидагича ўтди: республикамиз собиқ чемпиони А. Грушевский билан туркманистонлик А. Кудряшов ўйинида чемпионимиз устунликка эришди. Халқаро классли мастер В. Сетковский билан А. Середенко ўйинида очколар баҳам кўрилди. СССР чемпиони М. Муҳиддинов ва М. Рудерфер учрашуви ҳам дурангдан нари ўтмади. Тошкентлик Г. Борисенко рақиби О. Палленко билан ўйинда ярим очкога осонликча эришмади. Аъзамов — Каказлиев (Туркманистон), У. Элбеков — Д. Қаюмов ўйинлари кечиктирилди. Мусобаналар кун сайин қизғин тус олмоқда.

ФУТБОЛЧИМИЗНИНГ ҲИССАСИ

Грузия пойтахтида футбол бўйича СССР ёшлар терма командаси билан Туркия командаси ўртасида Европа чемпионатининг дастлабки учрашуви ўтказилди. Танаффусгача совет футболчилари ташаббус кўрсатдилар. Улар жавобсиз учта тўп киритишга эришдилар. Тўпларнинг Туркия командаси дарвозасига киритилишида бу йилги мавсумда муҳлислар оғзига тушиб қолган ноҳақ ва тезкор пахтакорчи В. Фёдоровнинг ҳиссаси катта бўлди. Футболчимиз халқаро ўйинларда ҳам маҳорат кўрсатишга қодир эканини намойиш қилди. Тўпларнинг киритилишида Фёдоров бошлаб берган ҳужум ва комбинациялар унинг командадошлари Климович ва Хомяковларга қўл келди. Совет командасига ғалаба келтирган сўнгги тўпнинг муаллифи эса Фёдоровнинг ўзи бўлди. Танаффуздан кейин меҳмонлар ғайрат кўрсатиб, ҳисобни 3:2 қилишга муваффақ бўлдилар.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ СОВРИНДОРЛАРИ

Тошкент отчопарида уч кун давом этган тантаналар поёнига етди. Юбилей йилида деҳқончиликдан юқори ҳосил етиштирган қишлоқ меҳнаткашлари сайилида катта шодиёна ва кўнгилли томошалар завқини суришди. Республикамиз йигит-қизларининг спорт соҳасидаги кўнгилочар ўйинлари турли томонлардан келган қишлоқ хўжалиги ходимларида катта таассурот қолдирди.

Ҳосил байрами тугади. Лекин тўю томошалар давом этади. Ҳосил байрами кунлари қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатишда ибрат кўрсатган коллективлар ва спортчилар командаларига мукофотлар тақсимланди. Сурхондарё областининг чавандозлари байрам кунларида от спорти муҳлисларини қойил қолдирдилар. Республикамиз жанубий областининг вакиллари умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. От спорти бўйича турли ўйинларни катта маҳорат билан намойиш этган сурхондарёликлар 107 очко тўплашга муваффақ бўлдилар.

От спорти томошалари кўрсатишда яхши натижаларга эришган Фарғона областининг суворийлари 88 очко тўпладилар ва сурхондарёликлардан кейин иккинчи ўринни олдилар. Самарқандликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

Байрам тантаналари кунлари отчопарда бўлган кишилар «Улоқ» ўйинини қизиқиб томоша қилдилар. Ўзбек чавандозлигининг узоқ тарихга эга бўлган от спорти бўйича бу мураккаб турида кўпчилик қатнашди. Лекин биринчи даражали совринни Сирдарё областининг чавандозлари эгаллашди. Сурхондарёликлар ва самарқандликлар спортнинг бу турида иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишди.

От спортининг „жуда кўп турлари бўйича томошалар кўрсатилди. От йўрғалатиб масофани босиб ўтиш ва тўсиқлардан арғумоқни эпчиллик билан сакратиш уста чавандозларгагина насиб қилди. «Оломон пойга» мусобақаларида Тошкент областининг суворийлари биринчи совринли ўринни эгаллашди. Бу пойгада самарқандликлар ва қашқадарёликлар ҳам яхши маҳорат кўрсатишди.

«Қиз қувди» деб аталмиш от спорти мусобақалари томошабинларнинг қийқириқлари остида ўтди. Фарғона областининг вакиллари бу беллашувларда алоҳида ибрат кўрсатдилар. Наманган ва Сирдарё от спорти усталари «Қиз қувди» беллашувларида иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб кўрилди.

От спортининг қадимий турлари ва тўсиқлардан ўтиш мусобақаларида энг яхши натижага эришган коллективларга Ҳосил байрамининг махсус мукофоти таъсис қилинганди. Бу байрам совринини сурхондарёликлар, Тошкент ва Наманган области вакиллари қўлга киритишди.

Бутуниттифоқ тоифасидаги судья Александр Максимович Нечепуренко Ҳосил байрами кунларида от спорти мусобақаларига раҳбарлик қилди. Бош судья Нечепуренко таъкидладики, ҳосил тўйига бағишланган уч кунлик мусобақалар республикамизда от спорти ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Байрамнинг учинчи — якунловчи куни республика Ҳосил байрамини ўтказиш республика комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Э. Т. Шайхов совриндорларга мукофотларни тантанали вазиятда топширди. У ташкилот комитети номидан байрам кунлари намунали хизмат қилганликлари учун спорт ташкилотларига, савдо ва маданий-маиший хизмат муассасалари коллективларига миннатдорчилик изҳор этди.

ЧИЛИ. Йирик мулкдорларни ҳимоя қилаётган реакцион кучларнинг кирдикорларига жавобан Чили кончилари миллий экономикани юксалтириш учун актив курашмоқдалар. Суратда: С. Альенде ҳукуматини қўллаш учун митингга тўпланишган «Эль-Сальвадор» мис конининг ишчилари.

АДН-ТАСС фотоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

СЕНЕГАЛ—СОВЕТ АХБОРОТИ

ДАКАР, 6 декабрь. (ТАСС). Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети ва Сенегал Тинчлик комитети Ҳинди-Хитойда урушни дарҳол тўхтатишни қатъиян талаб қиладилар ва шу райондаги халқларнинг манфаатларини назарда тутиб можарони адолатли бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни қўллаб-қувватлайдилар.

СССР Олий Совети депутати, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети Президиумининг аъзоси Мирғиёс Зоидов бошчилигидаги Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети делегациясининг Сенегалда бўлганлиги тўғрисида Сенегал — Совет қўшма ахборотида шундай деб ёзилган.

Томонлар, дейилади мазкур ахборотда, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюцияси асосида Яқин Шарқда можарони сиёсий йўл билан тезроқ ҳал этишга ва тинчликни тиклашга бор кучларини сафарбар этишни талаб қиладилар.

Ахборотда Португалия мустамлакачиларининг мустақиллик ва озодлик учун курашаётган Гвинея (Бисау), Мозамбик, Ангола халқларига қарши бемаъни харакатлари қораланади. Португалия мустамлакачилари томонидан Сенегал территориясини бомбардимон қилиш дарҳол тўхтатилиши талаб этилади. Томонлар апартеидга ва ирқий камситишнинг барча шаклларига кескин равишда қарши чиқадилар.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

САНТЬЯГО, 6 декабрь. ТАСС мухбири Р. Князов хабар беради.

Чили президенти Сальвадор Альенденинг СССРга расмий визит билан бориши Чили пойтахтида биринчи даражадаги мавзу бўлиб турибди. Мамлакат жамоатчилиги Москвадан келадиган хабарларни зўр қизиқиш билан кутмоқда. Кўпгина матбуот органларининг шарҳларида Чили халқининг империалистик монополиялар кирдикорларига қарши олиб бораётган кураши билан Совет Иттифоқининг бирдамлиги, совет халқи Чили амалга ошираётган социал иқтисодий ўзгаришларни астойдил қўллаб-қувватлаётганлиги ўқдириб ўтилмоқда. Республика жамоатчилиги, президент Сальвадор Альенденинг визити икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, тенглик ўзаро ҳурматлаш ва бир-бирининг ишига аралашмаслик принципларига асосланган Совет — Чили муносабатларида муҳим роль ўйнайди, деб ишонч билдирмоқда.

Чили миллий конгресси депутатлар палатасининг аъзоси Луис Майра бундай деди: «Чили — Латин Америкаси давлатлари орасида биринчи бўлиб Совет Иттифоқи билан дипломатик савдо ва маданий муносабатларни қайта тиклаб олган давлат бўлди. Бизнинг халқимиз Чили — Совет дўстлигини ривожлантиришни талаб қилмоқда. Тинчлик, иқтисодий ривожланиш ва ер муррасидаги барча давлатларнинг чинакам мустақиллиги йўлида ҳар иккала мамлакат халқларининг биргаликда олиб бораётган курашида бу дўстлик мустаҳкамланиб бормоқда».

ГДР ВАКИЛИ БМТДА

НЬЮ-ЙОРК, 6 декабрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг раиси С. Трепчиньский кеча Германия Демократик Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Хорст Грюнергни қабул қилди.

С. Трепчиньский журналистлар учун берган баёнотида, мен Германия Демократик Республикасининг биринчи расмий вакили Бирлашган Миллатлар Ташкилотига келганлигини алоҳида мамнуният билан табриклайман, деди.

Хорст Грюнергни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари Курт Вальдхайм ҳам қабул қилди.

ИЛҲОМБАХШ НАМУНА

ДАКАР, 6 декабрь. (ТАСС). Сенегал прогрессив иттифоқининг секретари Али Диум Сенегал пойтахти Дакарда СССР Олий Советининг депутати, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети Президиумининг аъзоси Мирғиёс Зоидов бошчилигида Сенегал пойтахтига келган Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети делегациясини қабул этиб бундай деди: Совет республикаларининг халқлари СССР ташкил этилган кундан бери 50 йил мобайнида экономика, маданият, ижтимоий ҳаёт соҳасида мислсиз муваффақиятларга эришдилар.

Али Диум халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун тараққиёт ва халқаро ҳамкорлик учун курашда Совет давлатининг қилаётган ишларига юксак баҳо берди. Али Диум совет делегациясининг визитидан ғоят мамнун эканлигини билдириб, СССРда социализм қурилишининг тажрибаси ривожланаётган мамлакатлар учун илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қила олади, деб таъкидлади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ХЕЛЬСИНКИ, 6. Финляндия бош министри Калеви Сорса хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Умумевропа кенгашини тезроқ ва мумкин қадар 1973 йилнинг биринчи ярмида чақириш керак, деб айтди. У чет эл журналистлари билан учрашиб, агарда Европа мамлакатлари истак билдирса, Умумевропа кенгаши иштирокчиларини қабул қилишга Финляндия ҳукумати тайёр эканлигини билдирди.

◆ ПАРИЖ, 6. Франкочи полиция яна бир жиноят қилди. Сенжакде Компостель шаҳрида полиция патрули марказий кўчалардан бирида бир группа ёшларга қараб ўт очди, деб хабар беради «Юманите» газетаси. Медицина институтининг йигирма яшар студенти Фуенгес ҳалок бўлди.

◆ ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Р. Никсон Р. Моргонни ички ишлар министри лавозимига қолдиришга қарор қилди. Уй-жой қурилиши ва шаҳарларни ривожлантириш министри қилиб ҳозирги вақтда савдо министри лавозимини адо этаётган Ж. Линн тайинланди. Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Р. Зиглер матбуот конференциясида шуни маълум қилди.

Англия парламентида қарилик нафақасидан маҳрум кишилар масаласи 20 йилдан буён ҳал қилинмай келинаётир. Суратда: лондонлик аёл «Морнинг стар» газетасининг парламентни қарилик пенсиясини оширишга даъват этувчи шиорини кўтариб турибди.

ТАСС фотохроникаси.

БОЛАЛАРНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИ УЧУН

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Улан-Батор болалар марказий клиника касалхонасининг коллективи шаҳар меҳнаткашларининг ғоят, зўр миннатдорчилигига сазовор бўлмоқда. Касалхона ўз фаолиятини кенгайтириб, профилактика тадбирларини ўтказиб келмоқда. Бунинг натижасида болаларнинг ўлими анча камайди.

Педиатрия бўйича мамлакатнинг илмий-тадқиқот марказларидан бири бўлган бу болалар клиникаси энг хатарли болалар касалликларини туғатиш учун муваффақиятли равишда кураш олиб бормоқда. Клиника врачлари бу йил даволаш практикасига 20 та янги методни жорий қилдилар.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ

(Газетхонлар илтимосига кўра)

Саудия Арабистони — Арабистан ярим оролига жойлашган бўлиб, унинг территорияси 2,4 миллион квадрат километр, 1970 йилнинг маълумотларига қараганда 5,2 миллион кишини ташкил этувчи аҳолисининг кўпчилиги араблар, 1 миллион нафарга яқини эса кўчманчи— бедуинлардир. Пойтахти— Эр-Риёд. Давлат тузуми — демократик мутлақ монархия.

1964 йилнинг ноябридан бери давлат тепасида турган қирол Файсал ибн Абдул Азиз Ас-Сауд айни бир вақтнинг ўзида ҳам бош министр, ҳам қуролли кучларнинг бош қўмондони, олий суднинг ва ҳукмрон вақфобийлар мазҳабининг бошлиғи ҳамдир. Қирол томонидан тайинланадиган Консултатив кенгаш маслаҳат берувчи. Министрлар Совети эса давлат бошлиғи фармонларининг бажарилишини назорат этувчи органдир. Демак, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар тўла қирол қўлидадир.

Саудия Арабистонида мусулмон динининг асосий марказлари — Макка ва Мадина жойлашган. Дин мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнайди, унинг ички ва ташқи сиёсатига катта таъсир кўрсатади. Саудия Арабистони — кам тараққий этган аграр мамлакат. Суғориш учун сувнинг етишмаслиги ва ирригациянинг ривожланмаганлиги сабабли мамлакатдаги умумий ер майдонининг атиги 0,2 процентидангина деҳқончилик учун фойдаланилади. Ер қирол оиласи, қабила бошлиқлари ва руҳоний ташкилотларнинг мулки бўлганлиги сабабли деҳқонлар уни ижарага олишга мажбурдирлар. Деҳқончиликнинг асосий маҳсулотлари— галла, шоли, сабзавот, мева ва хурмодир. Чорвадорлар туячилик ва қўйчилик билан шуғулланадилар ҳамда қорамол маҳсулотларини етиштирадилар.

Саудия Арабистонида индустрия жуда ҳам заиф бўлганлиги учун АҚШ, Англия, Франция, Ғарбий Германия, Япония, Италия ва бошқа мамлакатлардан кўп миқдорда саноат маҳсулотлари, шу жумладан кенг истеъмол моллари ва ҳатто озиқ-овқатлар ҳам келтирилади. Мамлакат экономикасида нефть муҳим роль ўйнайди. Нефть запаслари бўйича (тахминан 20 миллиард тонна) Саудия Арабистони жаҳонда биринчи. уни қазиб чиқариш бўйича эса тўртинчи ўринни эгаллайди. Давлат даромадларининг тўртдан уч қисмини шу нефть беряпти. Лекин мамлакатнинг асосий бойлиги империалистлар томонидан тўхтовсиз таланмоқда. Чунончи. Американинг «Арабнеи америкен ойл» (АРАМКО) компанияси мамлакат территориясининг қариб учдан икки қисмида 2005 йилгача қидирув ишларини олиб бориш ва нефть қазиб чиқариш ҳуқуқига эгадир. Мамлакатда қазиб чиқарилаётган нефтнинг 90 процентдан кўпроғи шу компанияга тўғри келмоқда.

Нефтдан келаётган катта даромадларнинг бир қисми қиролнинг газнасига тушса, уларнинг кўпроғи монополияларнинг чўнтакларига тушмоқда. 1969—1970 йилларда нефть компаниялари Файсал ҳукуматига икки миллиард доллардан кўпроқ тўлаган бўлсалар, ўзлари эса ундан бир неча ҳисса кўпроқ фойда олдилар. Шунинг учун ҳам империалистлар Саудия Арабистонидаги реакцион феодал тузумни, Файсал ҳукуматининг халққа қарши ички сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар. Меҳнаткаш халқнинг аҳволи ниҳоятда оғир. Мамлакатда ишсизлар сони жуда кўп. Миллионларча кишилар саводсиздир. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш аянчли аҳволда — 1971 йили ҳаммаси бўлиб 1100 врач бор эди. Халқ барча ҳуқуқлардан маҳрум этилган. Сиёсий партиялар ва профсоюзлар тақиқланган. Қирол ҳукуматига қарши норозилик билдирганлар қаттиқ таъқиқланади. Чет эл матбуотининг маълумотларига қараганда, Файсал Америка Марказий разведка бошқармасининг ёрдами билан 1969 йилнинг сентябри ва 1970 йилнинг март ойида армиянинг офицерлари ва давлат хизматчилари томонидан тайёрланган исёнларни қонга ботирди. Шундай бўлсада меҳнаткашларнинг кураши давом этмоқда. Унинг биринчи сафларида бораётган нефтчи ишчилар узоқ муддатли курашдан сўнг ўз касаба союзларини тузиш ҳуқуқига эга бўлдилар, иш ҳақини бир' мунча ошириш ва меҳнат ҳақида қонун қабул этишга эришдилар.

Файсал режими араб дунёсидаги барча реакцион кучларнинг таянчига айланди. Империалистлар, айниқса АҚШ ва Англия ҳукмрон доиралари араб миллий озодлик ҳаракатига қарши ундан кенг фойдаланмоқдалар. Файсал прогрессив араб давлатларига қарши реакцион Ислом иттифоқи (Ислом пакти)ни тузиш ниятидан ҳали ҳам қайтган эмас. Саудия Арабистонининг ҳукумати 1962—1970 йилларда Яман Араб Республикасининг ички ишларига очиқ аралашиб, тахтдан туширилган имом ал-Бадрни ўз ўрнига қайтаришга ҳаракат қилди. Еш Жанубий Яман Халқ Демократик Республикасига қарши кетма-кет уюштирилаётган фитналарда ҳам Эр-Риёд ҳукмронларининг ҳиссаси каттадир. Тўғри, кейинги тўртбеш йил ичида, айниқса 1967 йилги Исроил агрессиясидан сўнг Саудия Арабистони ҳукуматининг ташқи сиёсатида бир мунча ўзгаришлар бўлиб ўтди. Эр-Риёд араб халқларига қарши уюштирилган босқинчиликни қоралаши билан бирга, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг маълум резолюциясини бажаришни талаб қилиб чиқди. 1967 йилда Хартумда ўтказилган араб давлатлари бошлиқлари кенгашининг қарорига мувофиқ, Саудия Арабистони Миср ва Иорданияга иқтисодий ёрдам кўрсатмоқда. Олиб борилган музокаралар натижасида Файсал Сананинг республикачилар ҳукумати билан келишиб, уни расмий равишда таниди. Айни вақтда Миср Араб Республикаси билан ҳам алоқалар маълум даражада яхшиланди. Лекин шундай бўлсада, Саудия Арабистонининг ҳукумати, Ғарб давлатлари, айниқса америка империализмининг манфаатларига мос бўлган ташқи сиёсатини ҳамон ўтказиб келмоқдадир. Америка империализми эса ўзининг босқинчилик, мустамлакачилик сиёсатини юргизишда Саудия Арабистонидаги (Дохранда) йирик ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базасига ҳамда нефть компанияларига таянмоқда.

С. ҚУРБОНОВ.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА, 12.35 — Янгиликлар, 12.45 — Мультфильмлар, 13.30 — **Ҳаётни олишлаб** (бадиий фильм), 14.35 — Меҳнаткаш планета ёшлари, 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Мультфильм, 18.25 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 18.55 — Ҳужжатли фильм, 19.25 —Беш йилликнинг иккинчи йили, 19.50 — Ахборот, 20.05 — Социализм дунёси (Москва), 20.35 — Ахборот, 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — «Ўзбекистон чўрвадори», 21.30 — Концерт, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик опера ва балет Катта театрининг ижодий кечаси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.45 — МОСКВА, 17.50 — Янгиликлар, 17.55 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.25 — Ҳужжатли фильм 18.55 — Музикали программа, 20.05 — Ҳужжатли фильм, 20.35 — Бадиий фильм 22.00 — ТОШКЕНТ. Юбилей вахтасида, 22.15 — **Денгиз сирлари** (телефильм), 22.30 — МОСКВА. Бокс бўйича халқаро турнир. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. **Матонатли кишилар** (бадиий фильмнинг 1-серияси), 21.20 — Тошкент янгиликлари, 21.40 — Концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/XII да **Русалка**, 8/XII да **Корсар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/XII да **Тоғ гўзали**, 8/XII да **Фарғона тонг отгунча**.

КИНО

Дил иқрори — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Капалак рақси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

У ёқдагилар, тинглаганлар (жуфт соатларда), **Хатабала** (тоқ соатларда): — «ДРУЖБА».

Онтарио бўйидаги саргузаштлар (2 серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Нюрканинг ҳаёти — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Бизнинг заводда — «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Музикачининг синглиси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Бош таъминот бошқармаси

ИЧКИ РЕСУРСЛАРНИ САФАРБАР ҚИЛУВЧИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ КОНТОРА

республика ташкилотлари ва корхоналаридаги ортиқча ва фойдаланилмайдиган асбоблар, металл буюмлари, ускуналар ҳамда қиймматбаҳо материалларни

СОТАДИ

шунингдек контора ташкилот ва корхоналардан ортиқча ва фойдаланилмайдиган материаллар ва ускуналарни

СОТИБ ОЛАДИ

керакли материаллар ва ускуналарга заявкалар ҳамда ортиқча материаллар рўйхати: Тошкент шаҳри, ГСП К. Цеткин кўчаси, 66-уй (телефонлар 33-28-23; 33-33-67)ga юборилсин.

А. НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ ДИРЕКЦИЯСИ АБОНЕМЕНТ ЭГАЛАРИГА

Улар ўзларидаги абонементлар билан 1972 йилнинг 31 декабригача спектакллар кўришлари мумкинлигини

БИЛДИРАДИ.

СССР Давлат банкининг Ўзбекистон республика конторасидаги Давлат банкининг Самарқанд область конторасидаги бошқарувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист Х. Х. Аббосовага онаси

Райҳон ХОЛИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшитириш Давлат комитети коллективи мақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти, академик Ю. Ражабийга онаси

Бусора РАЖАБОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ийлдош Охунбобоев номидаги Республика медицина билим юрти коллективи шу билим юртининг директор ўринбосари С. А. Акбаровга онаси

Ҳури ЭРГАШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эзлонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — 286. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 15471.